

45 т.

Сергей Михалков 1913 ил 12 мартда Москвада туғилган. Болаларга аталган кўплаб шеърлар, масаллар ва ҳажвий драмалар муаллифи. Сергей Михалков Давлат ва Ленин мукофоти лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, РСФСР ёзувчилар союзининг раисидир.

Унинг асарлари СССР халқлари тилларидан ташқари кўпгина чет тилларга ҳам таржима қилинган.



# Сергей Михалков ЙУЛЛАР

СССР  
халқлари  
шеърляти



Сергей Михалков

---

# ЙЎЛЛАР

ШЕЪРЛАР  
МАСАЛЛАР



Тошкент  
Фур ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти  
1985

## РЕДКОЛЛЕГИЯ

Сарвар Азимов (Редколлегия раҳбари), Ҳафиз Абдусаматов, Жуманӣз Жабборов, Зулфия, Саъдулла Кароматов, Мирмуҳсин, Муҳаммад Али, Назир Сафаров, Туроб Тўла, А. А. Удалов, Раҳмат Файзий, Пирмат Шермуҳамедов, Комил Яшин, Матёқуб Қўшжонов.

### Михалков Сергей.

Йўллар: Шеърлар, Масаллар / Редкол: С. Азимов (редкол. раҳбари) ва бошқ. Тўпловчи ва сўз боши муаллифи М. Худойқулов. — Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984. — 88 б.

### Тўпловчи М. Худойқулов

Сергей-Михалков серқирра ва сермахсул совет шоирларидан бири. Унинг болалар учун ёзилган «Алоҳида топириқ» (1945), «Қизил галстук» (1946), «Уйинга кетаман» (1949), «Болалар учун қисса», «Стёпа амаки», «Стёпа амаки — миллионер» каби шеърӣй тўпламлари, «Тулки, Сувсар ва бошқалар», «Фил — расом», «Шер ва ёрлик» каби масал китоблари, «Қисқичбақалар», «Узга ҳайкал», «Тарсаки» каби сатирик драмалари совет кishиларига яхши таниш. Бу тўпламга шоирнинг болаларга аталган шеърлари ва масалларидан намуналар киритилди.

Р2

Михалков Сергей. Дороги. Стихи. Басни.

М 4702010200 — 30  
М352 (04) — 85 97 — 85

Адабиётни инсон кашф қилган ҳамма мўъжизалар, ҳамма буюк ихтиролар ичида энг буюги, энг улугворни, дейишади. Зеро уни яратувчилар — адиблар воқеликни кўз билан кўрибгина қолмай, балки қалб билан ҳис этиб — унга қайта жон бахш этадилар. Одатда санъаткорлар бу мўъжизакорлик ишини адо этишда адабиётнинг бирор соҳасида — ё назм, ё наср, ёки бўлмаса драмада иш кўрадилар. Лекин баъзан улар орасида адабиётнинг бир қанча тури усталари — серқирра ижод соҳиблари ҳам учрайди. Атоқли рус совет адиби, шоир Сергей Михалков худди ана шундай ижодкорларнинг биридир.

Сергей Владимирович Михалков 1913 йил 12 мартда Москвада зиёли оиласида дунёга келади. Унинг отаси — профессор В. А. Михалков паррандашунос олим эди. Кўп ўтмасдан уларнинг оиласи Кавказдаги Пятигорск шаҳрига кўчи боради. Ешлгидан адабиётга қизиққан Сергей Михалков бу ерда шеър ёзиш билан шуғуллана бошлайди. Ростов-Донда нашр этиладиган «На подьеме» журналида 1928 йилда унинг «Йўл» сарлавҳали биринчи шеъри босилиб чиқади.

Адабий ижодга юракдан ихлос қўйган Сергей Михалков ўрта мактабни тамомлагач, 1930 йилда Москвага келади. Унга отаси: «Биламан, шеър ёзишни севасан. Майли, кучингни синаб кўр, меҳнат — машаққатдан қочма. Агарда адабиёт ўқув юртларига кириб ўқий олмасанг заводга кириб ишла, одам бўл!» — деб оқ йўл тилаган эди. Ун етти ёшли Сергей Михалков отасининг бу насиҳатларига амал қилади, шеър машқ қилишни тўхтатмаган ҳолда Москвадаги тўқувчилик фабрикаларидан бирида ишлайди, кейин эса Шарқий Қозоғистонда ва Волга бўйларига геология-қидирув экспедициясида қатнашади. Кўп ўтмасдан у ўзининг эзгү орзусига эришади. — М. Горький номидаги Адабиёт институтига биринчи талабалар қаторида қабул қилинади. Бу курсда келгусида ажойиб адиблар бўлиб етишган К. Симонов, М. Алигер, Н. Грибачев, С. Смирнов каби талантли ёшлар ҳам ўқишарди. Газета ва журналлар саҳифаларида С. Михалковнинг шеърлари тез-тез босилиб турадиган, радиода унинг шеъри билан айтиладиган қўшиқлар ижро этиладиган бўлди.

Доимий изланиш; шеър машқи — машаққати кўп ўтмасдан ўз самарасини кўрсатди — эн шоирнинг «ўз овози» аввал ўзи унча аҳамият бермаган соҳада — болалар учун ёзилган шўх, қувноқ шеърларида кўрина бошлади. 1936 йилда «Огонёк» журнали кутубхонаси сериясида шоирнинг болаларга аталган шеърларидан ташкил топган биринчи китоби босилиб чиқади ва бу тўплам кўпчилик — ўқувчилар ва ҳамкасбларининг назарига тушади. Корней Чуковский болалар шеърлятига янги йрм, янги истеъдоднинг кириб келиши билан таъриқлади. Машҳур француз ёзувчиси Ромен Роллан китобни ўқиб чиқиб, муаллифга далда берувчи хат йўлади. Александр Фадеев «Правда» газетасида: «Михалков — ўзига хос ўткир шоирдир... Унинг шеърларида илқ, жиддий ва содда юмор тафти бор, улар инсоният ёшлигининг ёрқин нури билан суғорилган. Бу шеърларда ҳаётга чинакам муҳаббат, меҳнатни севиш, меҳнат кишиларини ҳурматлаш, ватанга, табиатга чексиз меҳр туйғулари уфуриб туради», — деб ёзган эди.

Сергей Михалков болалар шеърлари устида ишлагани давом эттиради. Унинг машҳур болалар шоири С. Маршак билан танишуви ва ундан ижодий маслаҳатлар олиб туриши шоир камолотига баракали таъсир кўрсатди. Шоирнинг барча китобхонлар севиб ўқийдиган машҳур «Стёпа амаки» поэмасининг бадий нухта бўлиб чиқишида С. Маршак берган маслаҳатлар катталик қимматли бўлганини муаллиф миннатдорчилик билан эслайди. Бу орада шоирнинг болаларга аталган бир қатор тўпلامлари босилиб чиқади.

Сергей Михалков бошқа ҳамкасб ёзувчи ва шоирлар қаторида армия матбуотида ишлайди.

Урушдан кейинги йилларда Сергей Михалков масал устаси сифатида танила бошлади. Бу жанрга иштиёқ унда қандай бошланганлигини шоир шундай эслайди:

«Уруш даврида Алексей Николаевич Толстой менга ўз кучини масалда синаб кўришимни маслаҳат қилиб қолди.

— Сенинг фольклордан, халқ юморида бошланган шеърларинг жуда яхши чиқяпти. Масал ёзишга киришиб кўрсанг қандай бўларкин? — деб маслаҳат берди менга Толстой».

Дастлабига бу мажозий жанр эскирганнамо бўлиб туюлди. Лекин бу орада мамлакатда улуг рус масалчиси И. А. Криловнинг 175 йиллик юбилеи ўтказилади. Михалков А. Толстойнинг тавсияси билан юбилей коти-

тетининг аъзоси қилиб сайланади. Крилов ижоди билан яна ҳам яқинроқ танишиш унга масал жанрининг ўлмас рўқини, ўзига хос хусусиятини яхшироқ тушуниб олишга имкон беради. Михалков масал жанрининг қайта тирилиши ва совет адабиётининг муносиб, зарур жанрларидан бирига айланишида катта хизмат қилди.

Кўп қиррали ижодкор Сергей Михалков жуда кўп эртаклар, сатирик шеърлар, насрий масалларнинг ҳам авторидир. У кинодраматург сифатида ҳам баракали ижод қилмоқда. Айниқса унинг Бутуниттифоқ сатирик киножурнали — «Фитиль»нинг бош редактори сифатидаги фаолияти ҳам диққатга сазовордир. Сергей Михалков атоқли болалар шоири, педагог сифатида СССР Педагогика фанлари Академиясининг ҳақиқий аъзоси қилиб сайланган. У, шунингдек, таниқли жамоат арбоби сифатида актив иш олиб бормоқда. Сергей Михалков РСФСР Ёзувчилар Союзи Правлениесининг раиси, СССР Олий Советининг депутати ҳамдир. Партия ва ҳукуматимиз Сергей Михалковнинг совет адабиётини ривожлантириш борасидаги самарали меҳнатларини инobatга олиб, бир неча марта Давлат мукофоти ва Ленин мукофоти билан тақдирлади. С. Михалков Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган адибдир.

\* \* \*

Сергей Михалков аввало болалар шоири сифатида элга машҳур бўлди. Бу иш кишидан алоҳида лаёқат, алоҳида шоирона истеъдод ва катта меҳнат талаб қилади. Улуғ рус танқидчиси В. Г. Белинский таъбири билан айтганда болалар шоири бўлиб етишиш мумкин эмас, балки шу касб эгаси бўлиб туғилмоқ керак.

Сергей Михалков болалар учун ёзган шеърларининг мавзу доираси жуда кенг ва ранг-баранг. Айрим болалар адабиёти мутахассислари болалар учун фақат уларнинг ички дунёсига мос келадиган нарсалар ҳақидагина ёзиш керак, болалар адабиётининг бирдан-бир хусусияти дунёни бола қандай кўрса, ҳис қилса ва тушуинса худди ана шундай тасвирлашдир, деб ҳисоблайдилар. Аммо С. Михалков бу тушунчани кенгайтирди. «Гап болаларга қандай мавзунини тақдим этишда эмас, улар учун ман этилган мавзунинг ўзи йўқ! — деб таъкидлаган эди у, — гап бу мавзуларни қай тарзда ҳал этишда.

Болалар билан тушунарли, аниқ тарзда ҳаётнинг барча томонлари ҳақида, яхшилик ва ёмонлик, ёлғон ва ҳақиқат, ор-номус ва виждонсизлик, мардлик ва қўрқоқлик ҳақида сўзлашиш мумкин».

Шоирнинг бу руҳдаги, яъни ўқувчининг онгига янги тушунча, қалбига чексиз ифтихор туйғуларини олиб кирувчи, чинакам гражданин бўлишга чорловчи шеърлари алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса шоир революция, Ленин мавзуларидаги шеърларида бунга катта муваффақият билан эришади:

Мана ўн еттинчи йил

Жанг қилар Петроград.  
Чопишиб бардам, дадил  
Ўқ отар, матрос, сэлдат.  
Қизил байроқлар қўлда.  
Келди отряд, полклар,  
Олда гвардиячи —  
Ленинчи большевиклар.

Кўриниб турибдики, шоир болалар поэзиясида Маяковскийга хос жанговарлик, ёш китобхонлар билан энг муҳим темаларда, ватан, инқилоб мавзуларида «бор овоз билан» сўзлашиш традициясини давом эттирди. Шунингдек у шоирнинг «Ким бўлсам экан?», «Нима яхши-ю, нима ёмон» шеърларидаги каби болаларда оддий меҳнат кишиларига турли касб эгаларига муҳаббат, ҳурмат уйғотишга эришади. «Смена», «Соат», «Уринбосар» каби шеърларида ишчилар, олимлар, учувчилар ва бошқа турли касбдаги кишилар улуғланади. Мазкур шеърларда фақат Михалковнинггина шеърларида хос бўлган тантанавор руҳ яққол сезилиб туради.

Михалковнинг кўпгина шеърлари бевосита болалар тарбиясига бағишланган. «Болалар китоблари тарбия учун ёзилади, тарбия эса буюк ишдир, у билан одамнинг тақдири ҳал этилади», деб таъкидлаган эди улғур рус таъкидчиси В. Г. Белинский. Шунинг учун ҳам Михалковнинг кўпгина шеърлари фақат болалар учунгина тегишли бўлиб қолмасдан балки катталар учун ҳам тааллуқлидир. «Эркатой» шеърисида шоир доимо инжиқлик қилиб юрувчи бола тилидан шундай дейди ва бу қусурнинг туб сабабини очиб беради:

Ортиқча эркалашлар  
Дилимга ёқмас, гашлар.

Ғижинаман ичимдан,  
Феъллим шунақа, чиндан.

«Светлана», «Биллур ваза», «Битта қофия» каби шеърлар ҳам тарбия мавзусига бағишланган. Шў билан биргаликда Михалков шеърларига хос бўлган яна бир хусусият болалар феъл-атворининг нозик томонларини билишда, уларга хос бўлган шўхлик, болаларча содда-муғомбирликин ҳам бера билишдадир. «Эмлаш ҳангома-си»нинг қахрамони «Мен эмлашдан қўрқмайман», деб ўзини дадил туттишга, синфдаги бошқа болалар олдида ўзини мард қилиб кўрсатишга уринса ҳам, лекин негандир унинг навбати келганда «оёқлари қалтирайди», «Ўттиз олти-ю ярим»да эса бола муғомбирлик қилиб ҳарорат ўлчагичга хуҳлайди. «Ажойиб дори» шеърисида эса болаларга хос хаёлпарастлик, фантазия бор:

Шундай дори кашф этилса  
Яхши бўлар эди роса.  
Ким ёшликдан бўлса ялқов  
Ичирардик унга дарров.

Михалков айниқса, маълум воқеа ҳикоя қилинувчи, болаларнинг эсида қоладиган, сюжетли шеърларнинг устасидир. Буни биз унинг кўпгина шеър ва достонларида кўришимиз мумкин. Айниқса, унинг «Стёпа амаки» достони болалар орасида машҳур бўлиб кетди. Достон қахрамони — Москва кўчаларидан бирида яшовчи «Минора» лақабли жуда новча одам — Степан. Степанов болаларнинг севимли қахрамониға, дўстиға айланаиб қолди. Қирқ бешинчи размер пойфазал киядиган болаларға симёғочға илинган варракларини ҳеч қийналмасдан олиб берадиган, керак бўлиб қолган тақдирда темир йўлда семафор ўрнида тура оладиган «район дарозларининг энг каттаси» бўлган бу одамнинг болаларға ёқиб қолиши ва уларнинг ишончли, қадрдон дўстиға айланиб кетишининг асосий сирини шундаки, мазкур образда болаларға хос бўлган хаёлий-эртақ воқеалари ва айни замондаги реал воқелик уйғунлашиб кетади. Болалар эртақни яхши кўришлари, ундаги қахрамонларға ҳавас қилишлари табиийдир, аммо реал ҳаётни эртақнамо тасвирлаш эса улар учун тағин ҳам қинматлироқдир, зероки, ундаги қахрамонни ҳаётда, кўча-кўйда учратиш, кўриш мумкин. Стёпа амаки ҳамма-нинг дадасиға ўхшаб ҳар кўни ишға боради, ҳарбий хизматға чақирилганда флотда хизмат қилади. Аммо унинг оддий дадалардан фарқ қиладиган томонлари

бор — унинг қўлидан энг қийин ишлар ҳам келади: у бир уйга ўт кетганда чордоқдаги каптарларни қўтқариб қолади, дарёда оқиб кетаётган кампирни шундоққина кўприкдан эгилиб кўтариб олади ва ҳоказо. Буларнинг ҳаммаси болалар орзу қиладиган ҳам реал, ҳам ғайритабиий ҳодисалардирки, бу ишлар болаларни ҳайратга солади. Достоннинг иккинчи қисмида Стёпа амаки милиционер бўлиб хизмат қилади, кўп қаҳрамонликлар кўрсатади.

Шоир 1970 йилда достоннинг «Стёпа амаки ва Егор» деб аталган учинчи қисмини ёзади. Унда энди Степаннинг ўғли — Егорнинг ҳаётини тасвирлар экан, у ҳозирги давр воқеаларини ҳикоя қилади: Егор ажойиб паҳлавон бўлиб ўсади, штанга кўтариш бўйича мамалакат чемпиони бўлади, кейин космонавтлар отрядига қабул қилинади. Булар ҳам болалар орзу қиладиган ажойиб ишлардир. Шунинг учун ҳам ёш китобхонлар бу достонни ҳамisha севиб ўқишади, ундаги соф юракли, ҳалол, мард, ҳар ишнинг уддасидан чиқадиган қаҳрамонлардай бўлишга ҳаракат қилишади.

Сергей Михалков болалар шеърлятида фақатгина ижобий қаҳрамонлар яратиб билан чекланмасдан, балки, ялқов, илҳом, меҳнатдан қочадиган болаларни танқид қилувчи ҳажвий шеърлар ҳам яратди. Унинг «Фома», «Тегманозик ҳақида» каби шеърлари шу жумладандир. Шоирнинг катталарга мўлжалланган ҳажвий шеърларида, вақтли матбуот ва айниқса «Правда» саҳифаларида карикатураларга ёзилган ўткир фош қилувчи эпиграммаларида ҳам ҳажвий фош қилишнинг энг яхши намуналарини кўриш мумкин.

Шоирнинг ҳажвий маҳорати — унинг масалларида ҳам яққол ўз ифодасини топди. У бу қадимий жанрни қайта тирилтирибгина қолмасдан, балки унга янги руҳ, янги йўналиш бағишлади. Шоир масалларининг янгилиги, ўзига хослиги — уларда тасвирланаётган воқеа ва характерларнинг замонавийлигида, ҳажвий лишонининг аниқлигида, сатирик зарбанинг таъсирчанлигидадир.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Михалковнинг масалчилик фаолиятида улур рус масалчиси И. А. Крилов традициялари катта ўрин эгаллайди. Бу анъаналар масалларнинг халқчилигида, ижтимоий салмоқдорлигида, ўқимишлигидадир.

Михалков масалларини ўқир эканмиз, кўз олдимиздан турли феъл-атвордаги турли тоифа кишилар

образлари гавдаланади. Мана улар: «хушомадга пича ўч бўлган» раҳбар («Бадмаст қуён»), товламачи аёлнинг қўлига тушиб кейин пушгаймон бўлган оила бошлиғи («Тулки ва Кундуз»), фақат ўз тинчинигина ўйлайдиган одам («Сокин ҳовуз»), ҳар кимнинг гапи, маслаҳатига кириб ўз йўлини йўқотган ижодкор («Фил-рассом») ва ҳоказо. Масалчи замонамизга шоирона синчковлик билан назар ташлар экан, ҳаётимизга ярашмай қолган ишлар, тараққиётга халақит берадиган қурулган сезгирлик билан пайқаб олади ва уларни усталик билан масалга хос бўлган мажозий образлар ва воқеалар асосида фош этади. Шоирнинг Улур Ватан уруши воқеаларига бағишлаб ёзган «Полкан ва Шавка» деб аталувчи масалида Ватан озодлиги учун жон фидо қилган кишилар улуғланади ва хоинлар устидан аёвсиз ҳукм чиқарилади. «Денгизчи Курка» масалида эса меҳнатсиз, ўз-ўзи билан бўлиб яшовчи мақтанчоқ шахслар кескин қораланади. Унда:

Дабдабали сўзу жимжима либос —  
Баъзи нодонлар-чун ниқобдир холос! —

деган кучли хулоса чиқаради.

Шоир «Шер ва Ёрлик» масалида бюрократлик устидан, уни қўллаб-қувватловчи қўрқоқ, расмиятчи кишилар устидан аччиқ кулади. «Бюрократ ва ўлим» масалида эса бу мавзу кучли бўрттириш тарзида очилади. Шоирнинг «Сигир савдоси» масалида эса унинг шарқ халқлари озгаки ижодидан, жумладан Насриддин афанди латифаларидан ижодий фойдаланганлиги сезилиб турибди.

Михалков масал жанрига янги руҳ олиб кирган новатор шоирдир. Жумладан, у айрим масалларда ҳайвонлар ёки қуш-паррандаларни эмас — тўппадан-тўғри кишиларни қаҳрамон қилиб олади. Масалан, «Иван Иванович оғриб қоптилар» масалида кибру ҳавога, манманлик «касали»га мубтало бўлган, кўпчилики менсимасдан халқдан ажралиб қолган раҳбарнинг фожиасини беради. Шоир бундайларни «даволаш»нинг энг тўғри йўлини таклиф этади.

Иложи бўлмагач, мана, ниҳоят, —  
Уни даволашга киришди-ку халқ!  
Қунлардан бир куни,  
уни —

Шарт озод этдилар барча ташвишдан:  
Буйруқ бериш, мажлис — хархаша ншдан.  
Туну кун дарвоза остида турган  
«Тўхта» деса тўхтаб, «юр» деса юрган —  
Машина-ю, шофёр каби «лаш-луш»дан.

«Бечора Зябликов» деб номланган масалда эса ра-  
дикулит касаллиги туфайли бошлиғи олдида яхши  
эгилолмай қолган бир лаганбардорнинг ташвишлари  
устидан истеҳзо билан кулинади.

Шоирнинг «Қасиданинг туғилиши», «Ҳажв уруғи»  
каби масаллари сатиранинг, масалнинг ҳаётимиздаги  
ўрни масаласига бағишланган, у «Қасиданинг туғили-  
ши»да ҳажвчиларни дадил бўлишга, «Бобо Криловдан  
намуна олиш»га қақиради, иккинчи масалда эса сати-  
рик асарларга нотўғри муносабатда бўлувчилар огоҳ-  
лантирилади:

Топсин десанг агар ҳажвиёт камол,  
Туртма ҳажвчини бекордан-бекор!

Уз таъбири билан айтганда, «қаламини қуролга  
айлантирган» забардаст совет шоирининг ажойиб асар-  
лари — хоҳ улар болалар учун ёзилган бўлсин, хоҳ  
катталарга аталган бўлсин — совет китобхонлари учун  
қимматлидир. Сергей Михалковнинг асарлари иттифоқи-  
мизнинг жуда кўп тилларига, кўпгина чет эл тилларига  
таржима этилган. Унинг қатор асосий асарлари ўзбек  
китобхони учун ҳам танишдир. Ўзбек болалар шоирла-  
ри Қуддус Муҳаммадий, Пўлат Мўмин, Шукур Саъ-  
дулла, Қудрат Ҳикмат, Миразиз Аъзам ва бошқалар  
унинг кичик китобхонларга аталган шеърларини таржи-  
ма қилганлар. Шунингдек, шоирнинг ҳажвий шеърлари  
масаллари ҳам таржима этиб келиняпти.

Қўлингиздаги китобчада шоирнинг болалар учун  
ёзган шеърлари ва масаллари сайлаб жамланган. Бу  
тўплам ўзбек китобхонини сермаҳсул шоиримиз — Сер-  
гей Михалков бой ижодиётининг айрим қирралари би-  
лангина таништиради, холос.

*Мухтор Худойқулов,*  
филология фанлари кандидати.



## В. И. ЛЕНИН МУЗЕЙИДА

Якшанба кўни эди,  
«Опам билди чиқдик биз.  
«Юр, музейга юр!»— деди,  
Биргалашиб кетдик биз.

Утиб катта майдонни  
Ахир кирдик бир жойга:  
Қип-қизил уй чиройли,  
Ухшар катта саройга.

Утишиб залдан-залга  
Халқ олдинга юради,  
Улуғ доҳий ҳаёти  
Кўз олдимда туради.

Мен Ленин ўсган уйнинг  
«Худди ёнида турдим.  
Гимназист Ульяновнинг  
Мақтов қоғозин кўрдим.

Турар қат-қат китоблар  
У ёшликда ўқиган,  
Шуни ўқиб, бир чоғлар —  
Уйлаган, орзу қилгай.

У ўйлаганди: юртда —  
Инсон яшасин озод,  
Меҳнат қилиб роҳатда  
Кун кечирсин умрбод.

Ойлар ўтди, йиллар ўтди  
Қувалашиб бир-бирин,  
Ульянов ўқиб бўлди  
Қўрқув билмас ўспирин.

У ўн еттига тўлди,  
Эндигина ўн етти.  
Лекин курашчи бўлди,  
Чор подшо қўрқиб кетди.

Кетма-кет учди фармон:  
«Ульяновни тутингиз!»  
Сургун қилинар шу он,  
Қишлоқда яшар ёлғиз.

Замон ўтар, яна у  
Қизгин ҳаёт ичида:  
Ишчиларга сўзлар нутқ,  
Гапиради йиғинда.

Борса у завод томон  
Ёки қариндошига,  
Полициялар ҳамон  
Тушар эди изига...

Яна фитна ва тухмат,  
Қамоқ, Сибирга сургун...  
Шимол қиши бешафқат,  
Тўрт томон тайга бутун.

Уйчада ўт милтирар,  
Тонггача ўчмас шами.  
Талай доно сатрлар  
Ёзар Ильич қалами.

У сўзлар; тинглаганда  
Қалба ишонч яшади.

Юракларга, оягларга  
Оламни кенг ояди.

Доҳийсини тинглаб халқ  
Олға борар ортидан,  
Керак бўлса халқ ва ҳақ,  
Деб кечар ҳаётидан!..

Биз ўтдик янги залга,  
Жимжитликдан қийқирдим:  
«Девордаги суратга,  
Светлана, боқ!» — дедим.

Суратда: Фин қирғоғи,  
Таниш чайла бир ёқда.  
Бунда яшаган доҳий,  
Ёвдан яширинган чоғда.

Кўрдим паншаха, ўроқ,  
Болта, эски эшаклар...  
Йиллар ўтди кўп узоқ,  
Ўтди қанча ёз-қишлар.

Бу чойнакда, эҳтимол,  
Сув ҳам қайнатиб бўлмас,  
Қараймиз, дўстлар, такрор,  
Қарашдан кўзлар тўймас.

Мана, ўн еттинчи йил,  
Жанг қилар Петроград:  
Чопишиб бардам, дадил  
Ўқ отар матрос, солдат.

Ишчи судрар пулемёт.  
Ҳозир яна жанг бошлар.

Шиор шуки: «Бўлсин йўқ  
Помешчиклар, буржуйлар!»

Қизил байроқлар қўлда,  
Келади отряд, полклар,  
Олда гвардиячи —  
Ленинчи большевиклар.

Шундай қулади тахтдан  
Октябрда буржуйлар  
Гуллади ишчи, деҳқон  
Дилидаги орзулар.

Ғалаба эди мушкул,  
Ленин бош бўлди халққа.  
Кўролди узоқни ул —  
Олдин боқиб йироққа.

Ҳақиқатнинг йўлини  
Шу одам очиб берди.  
Бутун меҳнат элини  
Абадий бирлаштирди.

Ойнадаги буюмлар  
Бизга азиз ва қиммат  
Доҳий қўлини булар  
Иссиқ сақлаган ҳар вақт.

Шлём, шинелни, дўстлар,  
Қизил аскарлар берди.  
У биринчи комиссар  
Совғани қабул қилди.

Шу перо-ла қўл қўйган  
Улуғ Ленин декретга.

Бу соатга қараган  
Борар пайти Советга.

Ильич ўтирган бунда —  
Кресло бор, лампа бор:  
Шу ерда, Кремлда,  
Ишлаган тунлар бедор.

Ишчилар-ла неча бор  
Сухбат қурган шу ерда...  
Энди бўлса кабинет  
Кўчирилган музейга.

Бирдан бир тўп болага —  
Келиб қолдиқ бунда дуч:  
Отряд келган сборга  
Еш ленинчи, ботир куч.

Отряд Ленин байроғи  
Остига тўпланди шод.  
Тантанали ваъдасин  
Ленинга қилади ёд:

Ваъдамиз шу: «Биз доҳий  
Яшагандай, яшаймиз.  
Ватанни севиб ундай,  
Халққа хизмат қиламиз.

Ленин йўлидан ўзга  
Тўғри йўлни билмаймиз.  
Партия бошчи бизга,  
Шу йўлдан ҳеч тоймаймиз».

## УЧ УРТОҚ

«Н» деган шаҳарчада  
Яшардилар уч ўртоқ.  
Асир тушиб қолишди  
Фашист ёвларга бироқ.  
Биринчисин дўппослаб,  
Қийнаб сўроқ қилдилар.  
Улди. Ҳеч сўз айтмади,  
Мўматалоқ қилдилар.  
Иккинчидан сўрашди,  
Қийнадилар беомон.  
Улдию, лом демади  
Ботир асл қаҳрамон.  
Учинчиси чидолмай  
Тилини туголмади:  
— Ҳеч нарса гапирмаймиз!—  
Деди у ўлар олди.  
Уларни қўмвордилар  
Бузуқ девор тагига.  
Шундай ўлди уч ўртоқ  
«Н» шаҳри этагида.

## АРКАДИЙ ГАЙДАР

Ажойиб китоблар ижодкори мард,  
Болаларнинг отахон, қадрдон дўсти.  
Меҳнаткаш, жафокаш, паҳлавон адиб  
Жангларда мардона тобланиб ўсди.  
«Мактаб» китобини, қани, очиб кўр,  
Уни ёзган қаламкаш Аркадий Гайдар.  
Асар қаҳрамони энг ҳақиқатчи,  
Ўзи гўдакча-ю, йигитдай сардор.  
Гайдар асарларин уқингиз барин,  
Сунгра Сиз оламга ташланг бир назар.  
Кўрасиз биз билан яшар бугун ҳам

Улмас қаҳрамонлар Тимур, Гек ўзар.  
Гайдардек яшашни севиб қолдик биз,  
Чин ҳаёт нашъасин билиб олдик биз.  
Ҳай-ҳай, кўп ажойиб, нодир китоблар  
Ижод қилган киши, биласизми, ким?  
Большевик ёзувчи, солдат, баҳодир,  
Ҳақиқий инсондир Гайдар амаким.

### СВЕТЛАНА

Ухламабсан ҳали,  
Ёстиқни ростлаб ол.  
Қийшайган кўрпанг ҳам...  
Ялпиз ҳидин ташир шамол,  
Юлдузни имлар шабнам.  
Оқ қайинда ухлар какку.  
Ухлар кўл, ухлар какку.  
Уйқинг қочиб кетди нега,  
Мудроқ босган эди-ку?  
Қатга бўлиб қолдинг, барно,  
Қоронғидан қўрқмайсан...  
Юлдуз халал бердими, ё  
Гулни олсам ухлайсан?  
Биз ҳам энди олайлик тин,  
Ухлар қуён, оққувлар.  
Уйдан-уйга ўтар секин  
Етаклашиб уйқулар.  
Чайқалади денгиз тўши,  
Соҳилни тўлқин урар.  
Қафасдаги мешкоп куши  
Африкани туш кўрар.  
Тошбақани мудроқ босган,  
Кўзин юмиб турар фил.  
Тушга кирар улар ўсган  
Азиз Ер, таниш соҳил.  
Шамол чоиди жануб ёққа,

Урлар йўлда чанг-ғубор.  
Амурда-чи, қўш қирғоқда  
Шовиллайди қамишзор.  
Бир жонланиш кўкалларда,  
Уйқу билан ўрмон маст.  
Фақат олис сарҳадларда  
Сергак соқчи ухламас.  
Соқчи турар,

кўкда чақмоқ.

Кўкка у юз тутади.  
Боши узра булут шу чоқ  
Сарҳад ошиб ўтади.  
Жондорларга ўхшар булут,  
Фақат тугиб бўлмайди...  
Сен ҳам ухла, қилмай сукут,  
Ҳеч ким уйқунг бўлмайди.  
Уйғотмайман, мен ҳам, мана,  
Тонгга қадар баҳузур,  
Ўз хонангда, Светлана,  
Ухлаб қизиқ тушлар кўр.  
Олис йўлдан келган толиб  
Шамол ҳам ухлар чўлда;  
Сен ҳам устинг ўраб олиб  
ухла!

### СОАТ

Соатлар соз юрсин деб,  
Будильниклар урсин деб,  
Вақтни ҳамма билсин деб,  
Вақтга амал қилсин деб,  
Ўз вақтида турсин деб,  
Вақтида ухласин деб,  
Ишлашар соатсозлар,  
Соат пешлаб пардозлар.  
Соатсозга арз айлаб

Бувим келар бай-байлаб:  
 — Соатимнинг каккуси  
 Тиниб қолди ку-куси.  
 Қўринг-чи, амакиси,  
 Бузилибди нимаси?  
 Устага маълум бари —  
 Какку тинган сабаби.  
 Устамиз қўл урсалар,  
 Какку шу он тирилар.  
 Биз ўйнаган тўпимиз,  
 Узимиздай шўхимиз,  
 Соатга тегиб кетган,  
 Пуржинасин қўзғатган.  
 Бувимлар арзин билиб  
 Узимиз айтдик келиб:  
 — Иван амаки, салом,  
 Биз айбдор, вассалом.  
 Узимиз едик дакки,  
 Бизни айтманг, амаки.  
 Уста кўзин олайтар,  
 Қовоқ, юзин хўмрайтар.  
 Соатни олар қўлга,  
 Тузатиб солар йўлга.  
 Какку соат сайрар башанг,  
 Иван амаки, яшанг.  
 Мактабга-чи энди биз  
 Энг биринчи келамиз.

### БИТТА ҚОФИЯ

Унингчи трамвай таниш кўчадан  
 Изларни титратиб илдам борарди.  
 Унда ўтиргану турганлар бари —  
 Бир юз ўн беш нафар одам бор эди.  
 Бировлар чиқади, бировлар тушар

Бировлар қисилиб ўтар илгари.  
 Пионер Николай жавдирар хурсанд,  
 Трамвайда юриш ёқади унга.  
 Энг яхши ўринда ўтирибди у —  
 Шундоқ, деразанинг ёнида, якка.  
 Қўлтиғи тагида чанғисиям бор,  
 Ахир кетяпти-да, чанғи учишга.  
 Бешинчи бекатда ҳарсиллаб бирдан  
 Суяниб қайрилма, йўғон ҳассага  
 Оёқда зўр-базўр турган бир кампир  
 Тиқилинч вагонга чиқади секин.  
 Бировлар чиқади, бировлар тушар,  
 Бировлар туртиниб ўтар илгари.  
 Николай ўтирар зерикиб, эснаб,  
 Кампир-чи, ёнида мункайиб турар.  
 Трамвай тўхтади, ниҳоят, мана,  
 Сирпанчиқ жойлашган майдон ёнида,  
 Шу ерда жойидан дик этиб туриб  
 Вагондан ҳовлиқиб тушди пионер.  
 Бўш қолган ўринга ўтириш учун  
 Кампир қадамини ростлаган эди.  
 Нимаям қилсин у, жойни бирпасда  
 Эгаллаб олибди бошқа бир эпчил.  
 Пионер Валентин жавдирар хурсанд  
 Трамвайда юриш ёқади унга.  
 Энг яхши ўринда ўтирибди, ҳа,  
 Хўш, чанғи учиб у қайтар уйига.  
 Бировлар чиқади, бировлар тушар  
 Бировлар уриниб ўтар илгари.  
 Валентин ўтирар зерикиб, эснаб,  
 Кампир ёнбошида мункайиб турар.  
 Кампир ҳақидаги бу ҳикояни  
 Бўлади янаям эттирсак давом.  
 Ва лекин, шу ерда қилсак қофия:  
 Кексаларни қилинг ҳурмат, аҳтиром.

## РАСМ ЧИЗДИМ

...им-да қалам, қоғоз  
Йўл расмини чиздим соз.  
Чиздим буқа, сигирни ҳам  
Утлаб юришар шу дам.  
Унгда ёмғир, чапда боғ,  
Дарахт шохида шу чоғ —  
Бор ўн бешта олма ҳам,  
Ёмғирда бўлмасди нам.  
Буқа ранги пушти ранг,  
Новот рангдир йўл, қаранг,  
Бўлар дея жуда соз  
Булут ҳам чиздим оз-моз.  
Булутдан ерга томон  
Чизиқ чиздим ўқсимон.  
Боғнинг устида шу чоқ  
Чақнасин дедим чақмоқ.  
Чиздим қора нуқта — доғ,  
Унинг маъноси шундоқ:  
Бирдан эсар-да шамол  
Олма тўкилар дарҳол.  
Чиздим ёмғир изини,  
Боққа урар ўзини.  
Эҳ, шу он синди қалам,  
Тугади сиёҳим ҳам.  
Баланд бўлсин деб бўйим,  
Столга стул қўйдим,  
Ёмон чиқса ҳам расмим,  
Тепароқ жойга осдим.

## СИЗДА-ЧИ

Ким курсида ўйнар сим,  
Кўча қузатмоқда ким,  
Толя жим,

Борис куйлар,  
Николай оёқ чайқар.  
Кечу кунгил тўқ эди,  
Қиларга иш йўқ эди.  
Галя четга ўтирди,  
Мушук чиқди олмага,  
Шу пайт Боря савол берди  
Ҳаммага:  
— Бизда кичик миҳдан бор,  
Сизда-чи?  
— Бизнинг уйда меҳмон бор,  
Сизда-чи?  
— Бор эди бизнинг мушук,  
Тўрт мушук туғди кеча,  
Ўсди-ку туппа-тузук  
Овқат емайди ҳечам.  
— Бизда-чи, бор газ ўчоқ,  
— Бизнинг водопровод  
Полизни қилар обод.  
— Бизнинг катта ойнадан  
Кўринар Қизил Майдон.  
Сизнинг кичик ойнадан  
Кўча кўринар ёмон.  
— Уйнаб келдик биз кўчада,  
Хиёбонга бордик биз,  
Яшил,  
Қизил  
Жуда-жуда  
Кўм-кўк пуфак олдик биз.  
— Бизникида ўт ўчди —  
Биттами?  
Бир машина ўтин тушди —  
Иккитами?  
Тўртинчидан, ойимиз,  
Ўзи учиб кетолар,

Чунки бизнинг оймиз  
Мард учувчи аталар.  
Вова дейди шу топда:  
— Учувчи?  
Нима бўпти?  
Коля, ўзинг айтиб бер:  
Ойинг — милиционер!  
Толя билан Вера дер:  
— Бизнинг ойм инженер.  
Лёвнинг оймиси ошпаз,  
Учувчи нима бўпти?  
— Бизнинг ойм зўр, — дер Ната, —  
У трамвай ҳайдовчи.  
Трамвайни бошқариб  
Кетар вокзалдан нари.  
— Тикувчилик ёмонми? —  
Сўрайди секин Тома, —  
Ҳамма кияди кўйлак,  
Учувчи тикмас бешак.  
Учувчи ҳайдар учоқ —  
Бу иш жудаям яхши.  
Ошпаз тайёрлар қуймоқ —  
Бу иш ҳам жуда яхши.  
Доктор бизни соғ этар.  
Муаллима ўқитар.  
Ҳамма ойилар керак,  
Ҳар хил ойилар керак.  
Кечу ҳамма тўқ эди,  
Баҳсга ўрин йўқ эди.

### ТРЕЗОР

Эшикда турар қулф,  
Кучукча юрар улиб.  
Уйда ёлғиз...

Шу кун кетгандик  
қамаб уни.  
Трезорни қаровсиз —  
Қолдиргандик терговсиз.  
Шунинг-чун уйни бутун  
Қилибди остин-устун.  
Судрабди қўғирчоқни,  
Қўёни қийнабди кўп...  
Тўзитиб ҳамма ёқни,  
Туфлини ўйнабди хўп.  
Мушукни қувган улиб,  
Думини олган юлиб.  
Даҳлиздан кўмир топган,  
Устида ўйнаб чопган.  
Ҳатто думалаб олган,  
Қоп-қора бўлиб қолган.  
Хумчага бош тикқану  
Қўшилишиб йиқилган,  
Тўкилиб ундаги сув  
Томоғига тиқилган.  
Сўнгра каравотга у  
Чўзилган босиб уйқу...  
Кучукчага сув қўйдик,  
Совунлаб роса ювдик.  
Энди-чи, ўзин ёлғиз  
Ҳеч қачон қолдирмаймиз.

### ҚУЧҚОРЛАР

Тоғлиқ сўқмоқ йўл устида  
Борар эди кўк қўчқор.  
Осма кўприк тепасида  
Учраб қолди оқ қўчқор.  
Оқ қўчқорча дер шундай:  
— Оғайнижон, иш қалай?

Ажаб тор йўл, қандай ўтсак,  
Утолмаймиз тикқа юрсак.  
Кўк қўчқор деди баълаб:  
— Гапни гапир, дўстим, ўйлаб!  
Тўрт оёғим синсин агар  
Сенга йўл берсам, жигар.  
Шохларини силтар бири,  
Оёқларин тирар бири.  
Шохингни минг айлантир,  
Қўшалоқ ўтиш оғир...  
Офтоб бошдан қиздирар,  
Пастда дарё жимирлар.  
Тонг чоғи икки ўжар  
Фарқ бўлди, қучди ажал.

### ҚАҲРАМОН

Қутбга учар ўғлон,  
Музликни қучар ўғлон.  
Глобусга парвона  
Уғлини ўйлар она.  
Самолётда ким учар,  
Музёрада ким кечар.  
Харита ёнида биз,  
Мактаб, клуб, уйдамыз.  
Қаҳрамондан бир хабар  
Келса биз қувонамыз.  
Қаҳрамон билан бирга,  
Бирга нафас оламыз.  
Қаҳрамон бўлиш учун  
Мард йигит бўлиш керак,  
Ҳар бир ишда номусли,  
Камтарин юриш керак,  
Валерий Чкаловдай  
Баҳодир, қаҳрамон эр,  
Ўйлашда ҳам, ишда ҳам

Халққа содиқ бўла бил.  
Орден олмоқ нимадир,  
Орден тақмоқ нимадир?  
Халқингга хизмат қилмоқ,  
Халқингдан иззат кўрмоқ.

### ЭМЛАШ ҲАНГОМАСИ

Биринчи синфда эмлаш,  
Бўлди бир-бирин имлаш:  
Эмлашдан мен қўрқмайман,  
Уколдан ҳам қўрқмайман.  
Эмлаш нима, бир нафас  
Чивин чаққанча бўлмас.  
Қўрқоқ қочар эмлашдан,  
Докторларга учрашдан.  
Эм қилдирган биринчи  
Мен ўзимман аълочи.  
Асабларим пўлатдан,  
Чиниққанман мен обдан.  
Ҳатто нервим йўқ сира,  
Тобланганман, мен зўр-а.  
Агарда биров футбол  
Бўлармиш деса дарҳол,  
Бориб укол оламан.  
Шундай қўрқмас боламан.  
Биринчи синфда эмлаш,  
Бўлди бир-бирин имлаш.  
Суянгай ким деворга?  
Оёғим титрар нега?..

### АЖОЙИБ ДОРИ

Кимки бўлса агар бемор  
Врачлару аптека бор.  
Хўп озода дорихона

Атроф мармар, тиниқ ойна.  
Ойна ичра солсанг назар,  
Турли идиш турар қатор!  
Суюқ дори, йирик, кукун,  
Бари фойда соғлиқ учун.  
Кетказишга юзнинг доғин  
Тайёр турар ажиб малҳам.  
Учратамиз балиқ ёғин,  
Дори бордир йўталга ҳам.  
«А», «В», «С» дай кўп витамин,  
Соғлигингни этар таъмин.  
Агар танни чақса чивин,  
Дориси бор артиш учун,  
Акса урсанг гоҳо-гоҳо  
Суюқ дори берар шифо.  
Елим дори сўгалга мос,  
Ёпиштирсанг бўлади соз.  
Оғриб қолса бош ё қорин,  
Керак ўтдан бўлган дори.  
— Эплайману истамайман,  
Ўқимайман, ишламайман,  
Дангасаман, топинг даво —  
Деб сўрашлик бўлур хато.  
Шундай дори кашф этилса  
Яхши бўлар эди роса.  
Ким ёшликдан бўлса ялқов  
Ичирардик унга дарров!  
Дарс ўқимай, энг паст баҳо  
Олган бола бўлса гоҳо,  
Икки-уч бор ичса уни  
Тузаларди ўша кун.  
Шундай дори чиқса балким,  
Икки халта олар эдим.  
Иккитамас, уч тўрва ҳам  
Олсам бир кун, бўларди кам.

## ЧУГУРЧУК

Кўпдан бизнинг айвонда,  
Бир қуш яшар хушовоз.  
Уни тинглаган онда,  
Дейсиз:— куйи экан соз.  
Далада ухлар туман,  
Ҳали шабнам дам олар.  
Хонандамиз тонг билан  
Борлиқ узра жар солар.  
«Чугур-чугур», куйи шу,  
Тингдасангиз маза-ку.  
Шон учун чуғурламас,  
Кутмайди бирор унвои.  
Тоза осмон бўлса бас,  
Юракдан куйлар чунон.  
«Чугур-чугур», куйлаб у,  
Завқланиб қоқар қанот.  
Соддагина, эмас қув,  
Куйлаб кутмас мукофот.  
Яшар бизнинг айвонда,  
Беминнат бир хонанда.

## УНИВЕРМАГ

(«Менинг кўчам» китобидан.)  
Тапир-тупур ташлар қадам,  
Универмаг томон одам.  
Чиқиб олдик бизлар илдам  
Энг охирги қаватга ҳам.  
Магазин бу, бозор эмас,  
Савдолашга шошил, демас.  
Сотилади ҳар турли мол,  
Ботинка-ю, лента, рўмол.  
Чамадонлар, рангли қалам,

Топилади тарелка ҳам.  
Электрли грелка бор,  
Калиш десанг, ана тайёр.  
Мўйқаламу бўёққача,  
Чақалоққа аравача.  
Зарур бўлса қандай буюм,  
Созлари бор уюм-уюм.  
Бу ер гўё чумоли ин,  
Барча келар олдин-кейин.  
Қутулишга пулдан улар  
Навбат билан қатор турар.  
Ё кичкина, ё каттакон,  
Очилади барча ҳамён,  
Узатасан чақа, танга,  
Чек беради касса сенга.  
Тиқилинчда биз ҳам чаққон,  
Пештахтага етдик осон.  
— Қанча турар анав қармоқ?  
— Беш тийин бу, олинг тезроқ.

### ТИНЧЛИК

Женя туғилган бугун,  
Кирган у саккиз ёшга.  
Тўшпонча, танк, замбарак  
Беришди унга совға.

Қаранг, ярқироқ ҳатто,  
Бор эди автомат ҳам.  
Солдатдагидек гўё  
Ҳақиқий ва ростакам.  
Овқатланар меҳмонлар  
Бошқа хонада ҳозир:  
Женя ўйинчоқларин  
Бўлакка бўлар бир-бир.

— Нима қилдинг, ҳой Женя?  
Ҳаймасин бузибсан-ку!  
— Қурооллардан воз кечдим,—  
Дея жавоб берди у.

### УТТИЗ ОЛТИ -Ю, ЯРИМ

Яна иссиғим:  
Уттиз олти-ю, ярим!  
Термометрга худди  
Еб қўйгудек қарайман.  
Ҳоврим ошмаса энди  
Қай чорага борай ман?  
Нега касал эмасман?  
Соппа-соғ бешикастман.  
Яна иссиғим:  
Уттиз олти-ю, ярим!  
Юрагим ҳам огримайди,  
Акса урсам аксамас!  
Йўтадим йўқ! Юзим ойдаёй,  
Ҳеч касалга ўхшамас!  
Эртага нақ тўққизда  
Бориб мактабимизда  
Утираманми ўйлаб,  
Уқиб, ёзиб ва куйлаб?  
Доскада индолмасам,  
Жавоб ҳам айтолмасам...

Яна иссиғим:  
Уттиз олти-ю, ярим!  
Термометрни силаб,  
Учин тез-тез ишқалаб,  
Ялиниб, шафқат тилаб,  
Сўнгра унга «пупф-пупф» лаб:  
«Симоб,— дедим,— ҳой симоб,  
Узинг ёқимтой симоб,

Сал-пал кўтарил битта!  
«Уттиз ётти»да тўхта!»  
Яшасин! «Уттиз етти»!  
Кўзларим тиниб кетди!  
(Уят!) Ловиллар юзим..  
— Уғлим, касалмисан?  
— Ҳми!..

Яна ўрнимга ётдим,  
Турғазмас жоним ойм...  
Аслида ҳароратим  
Уттиз олти-ю, ярим!

### БЕДОРЛИК

«Ухла» сўзи ёқмас менга,  
Эшитаман уни ҳар кеч.  
«Жойингга бор, айтдим сенга,  
Ундан ошди. Бўлди-ку кеч».  
Баҳслашмайман, мен аввало  
Ошхонада ичаман чой.  
Уринтирмай ўзим асло  
Нонгинамга суртаман мой.  
Қорним тўйгач, шунда бироқ,  
Йўл-йўлакай босиб мудроқ  
Қўл-бетимни юваман мен,  
Уйқумни-чи, қуваман мен.  
Шунда келар, яна овоз,  
Менинг учун буйруқ албат:  
«Бор, ухлашни ўрган бир оз,  
Ун бирдай ҳам ошди соат».  
Ечмоқ учун ўтираман  
Аста-секин туфличамни.  
Ечинишга улгураман,  
Бирпасгина олай дамни.  
Бу ишга ҳам кетар бир зум,  
Унча-бунча банд бўлсам бас,

Ухламаслик — менинг орзум.  
Эшитилар таниш товуш,  
Сайраб чиқар соатдан қуш.  
Дадам дейди ўша топда  
«Утирганча ухлаб қопти!»  
«Ухла!» шу сўз ёқмас менга,  
Эшитаман уни ҳар кеч.  
«Жойингга бор, дедим сенга,  
Ундан ошди, бўлди-ку кеч».  
Бўлса эди менда ҳуқуқ  
Ухлар эдим хоҳлаганда.  
«Ухла», «ухла» дея буйруқ  
Бермас эди менга ҳеч ким.  
Бўлар эди қандай яхши,  
Ухламаслик яна яхши.

### СТЕПА АМАКИ

#### I

Ильич Заставасида!  
Саккиз қават бир уй бор,  
«Минора» номли новча,  
Дароз бир одам турар.

Степанов лақаби,  
Исми бўлса Степан.  
Район дарозларининг  
Энг буюги бу одам.

Дароз бўлгани учун  
Стёпа ҳурматланар.  
Ишдан қайтар чоғида  
Бир қақиримдан кўринар.

1 Москва кўчаларидан бири.

Икки буюк оёғи  
Ажиб қадам ташлайди,  
Қирқ бешинчи размерли  
Этик сотиб олади.

Энг катта ботинкани  
У бозордан ахтарар;  
Умрда ҳеч тикилмас,  
Кенг бир чолвор қидирар.

Сотиб олар қийнаиб,  
Кияр, ойнакка қарар.  
Тикувчининг тиккани  
Чокларидан сўкилар.

Истаган девор оша  
Ҳовли ичига қарар,  
Уғри келган фаҳмлаб,  
Итлар тўхтовсиз ҳурар.

Степан ошхонада  
Икки порси овқат ер.  
Ётганда оёғига  
Курси қўйиб оладир.

Ўтирганча шкафдан  
Китоб олар чўзилиб:  
У ҳар сафар кинога  
Борса, қайтар сузилиб.

Унга дерлар: «Биродар!  
Тушиб ўтиринг полга!  
Чунки бўй ҳаминқадар,  
Бу-ку, бари бир сизга!»

Аммо стадионга  
Кирар Степан пулсиз:

Уни чемпион ўйлаб —  
Кўядилар тўхтовсиз.

Степан қайда ишлар,  
Қайда турар ва яшар.  
Гузардан-гузаргача  
Бўтун район, халқ билар.

Чунки ҳеч қийналмайин  
Болаларга варрақни  
Телеграф симдан олиб,  
Қойил қилар ҳаммани.

Ким пакана бўлса гар,  
У парадда кўтарар,  
Чунки ҳамма бирдайин  
Кўрсин ўз армиясин,

Ҳамма севар Стёпани,  
Ҳурматлар шу оғасия.  
У энг яхши дўстидир  
Барча ҳовли боласин.

Арбатдан<sup>1</sup> уйга шошар,  
Болалар саломлашар.  
Акса урса Степан  
«Оға, соғ бўл!» дейишар.

Стёпа оға эрталаб  
Дивандан ирғиб турар.  
Деразасин ланг очиб,  
Совуқ сувда ювинар.  
Тишларини Стёпа  
Ҳамма вақт тозалар.

<sup>1</sup> Москва кўчаларидан бири.

## II

Бульвар бўйлаб бир киши  
Эшакни миниб борар,  
Бу — Стёпа оғамиз,  
Оёғи ёр шипирар.  
«Сизга, — дейди халойиқ, —  
Туяни минмоқ, лойиқ!»

У туяга минади —  
Бор халойиқ кулади:  
«Эй, сиз, қандай келасиз?  
Туяни мажақлайсиз!  
Новча экан бўйиңгиз!  
Фялга миниб юринг сиз!»

Стёпанинг сакрашига  
Икки минут вақт қолар,  
Парашютнинг остида  
Енгилгина силкинар.

Пастда эса халқ кулар:  
«Вишкадан — вишка тушар!  
Паровоз учар, чинқирар,  
Машинист олға қарар.  
Йўлнинг ярмин ўтганда  
Ут ёқарга у даяр»

«Вокзалдан вокзалгача  
Оз бориб келмаганман!  
Бундайин семафорин  
Бунда ҳеч кўрмаганман!»

Семафорга келади  
Семафор йўқ, билади:  
Йўлда тикка Степан  
Семафордай туради.

У айтади гердаиб:  
«Поезд йўли беркилган!  
Атайи қўл кўтардим,  
Емфир йўлларни ювган».

Уйнинг бурчи ёнмоқда,  
Атрофда халқ турмоқда,  
Нарвон қўйиб, команда  
Насосдан сув сепмоқда.

Чордоқ ўтга қопланди,  
Унда каптарлар қолди,  
Чордоқнинг эшикчаси  
Епиқ... қандай чиқади!

Шунда Стёпага айтар  
Томошабин болалар:  
«Наҳот уй билан бирга  
Бизнинг каптарлар ёнар?»

Йўлакдан туриб Стёпа  
Чордоққа қўл чўзади,  
Олов — тутун ичида  
Унинг қўли сузади.

У дарчани очади,  
Қушлар ундан учади:  
Аввал ўн саккиз каптар,  
Сўнгра чумчуқ қоқар пар.

Стёпадан ҳамма рози,  
У қушларни қутқарди.  
«Пожарний бўли!» — деб барча  
Уяга маслаҳат берди.

Пожарникларга қараб,  
«Йўқ», — деди Степан —

«Мен флотга бораман,  
Унга ҳам мен ярайман!»

### III

Кўприк олдидан бир кун  
Саккиз қават бир уйга  
Дароз бир киши келар  
Стёпа оғадай бўйда.  
Бу жасур денгизчини,  
Уртоқлар, ким билади?  
Пошнаси-ла қорларни  
Янчиб, эзиб келади.

Кийими тах, формали,  
Шинель устида камар.  
Жун қўлқоп узра лангар,  
Ҳарфлар олтиндай чақнар.  
Уткинчиларга сўзлар,  
«Марат» пароходидан  
Ботир денгизчи келар.

Уйга у яқинлайди,  
Болалар танимайди  
Ва бу ўринда ундан:  
«Ким керак?» деб сўрайди.  
Стёпа оға ўгирилди:  
«Мен қайтдим!»— деб бир кулди,—  
Кечаси ухламадим,  
Йўлдан хўп чарчаб қайтдим.  
Бу оёқлар қуруққа  
Урганмаган, дам олай,  
Оқ кийимларни кийиб,  
Диванда бир оз ётай.  
Чойдан кейин бир кириг,  
Юзлаб ҳикоя сўзлай!»

Энди мағрур болалар,  
Пионер, октябрлар,  
Асл Қизил флотчи,  
Денгизчи-ла ошналар.  
Арбатдан уйга шошар,  
Болалар саломлашар.  
Акса урса Степан,  
«Оға, бўл соғ!» дейдилар.  
Болалар Стёпани  
Энди «Маёқ» дейдилар.

### СТЕПА АМАКИ — МИЛИЦИОНЕР

Таниш Стёпа амаким,  
Ахир уни билмас ким?  
У матрос эди бурун,  
Танир ҳар ёш, ўспирин.

Фуражкеси тамгадор,  
Белида камари бор.  
Тўқада герб ялтирар,  
Қуёш каби ярқирар,

У бўлим ёқдан келар,  
Бир бола ўйлаб нелар,  
Хўп анграйган, ҳайрон дер:  
«Мана бу ми-ли-ци-онер!»

Амакимиз — жонажон,  
Уни курса ҳар қачон  
Ҳурмат қилиб ёш-қари,  
Кулиб сўзлашар бари:

«Ҳа! Шундай новча одам,  
Учрайвермайди ҳар дам!  
Қойилман-эй, қарашар,  
Янги форма ярашар!»

Поста турса у бардам  
Кўринар олисдан ҳам!»

Майдон олди тирбанд, кўр,  
Бузилибди светофор:  
Сариқ шуъла бор, бироқ,  
Енмас сира кўк чироқ...

Юз машина тек туриб,  
Кетмоқ бўлар югуриб.  
Утди уч, тўрт, беш минут!  
Йўл беришмас, демак кут!

Светофори қўл билан  
Степан ушлар бирдан.  
Уртасига кўз тикиб  
Винтин бурар энтикиб.

Серқатнов, кенг майдонда,  
Чарақлаб ўша онда,  
Яшил чироқ ёнади,  
Ҳаракат жонланади.

Шундан бери, ниҳоят  
Дўстлар қилар ҳикоя,  
Москвада ҳар пионер:  
— Светофор амаки, — дер.

Нима бўлди вокзалда?  
Беш ёшли бола залда  
Онасин излаб йиғлар,  
Энди қайдан топилар?

Стёпа шошилмасдан  
Гўдақни олиб пастдан,

Юқорига кўтарди,  
Ҳамма ҳайрон кутарди.

Бола шифтга етган он:  
«Қарагин, — деди, — ўғлон».  
У кўрар: дорихона —  
Енида йиғлар она.

«Ойи! Ойи! Мана мен».  
Она эшитди четдан.  
Стёпа мамнун шу дам  
Дер: «Энди онла жам!»

Икки сергап қизалоқ  
Йўлда келарди шу чоқ.  
Сумкада дафтар-китоб,  
Она тили ва ҳисоб.  
Дафтарлардаги баҳо  
Яккаш яхши ва аъло.

Учрар шумтака бола  
«Икки» баҳо сумкада.  
На шапкасида тамға бор,  
На камарида тўқа бор.  
Қизлар ҳали югурмай,  
Четга чиқиб улгурмай  
У балчиққа итарди,  
Сочин мазах этарди.

Сўнг осилиб трамвайга  
Жўнар қандайдир жойга.  
Зинада ўнг оёғи,  
Елда ўйнар чап ёғи!  
Безори билмас балки,  
Бизнинг Стёпа амаки

Кузатар ҳар қилмишин,  
Кечирмайди бу ишин.

Универмаг эшигидан,  
Стёпа чиқди бирдан.  
У ташлаб тенг уч қадам,  
Майдондан ўтди илдам.

Муюлишда қувди у,  
Зинадан туширди-ю:  
«Уйинг қайда, жавоб бер?  
Фамилиянг нима?»— дер.  
Новча посбонга осон —  
Қилиб бўлмас важ-корсон.

Музни тешиб бир кампир,  
Қадимгидек чайқар кир.  
Муз ёрилгач йўқ чора,  
Оқди кампир бечора.  
У қичқираб йяғлаб зор:  
— Оҳ! Қирим сувга чўқар,  
Оҳ! Қандай кунга қолдим!  
Қутқаринг, ҳолдан толдим!

Стёпа-чи — кўприқда  
Постида ҳушёр жуда,  
Тушган бўлса ҳам тумаш,  
Боқар капитансимон.  
Музда келар бир сават,  
Унда кампир бетоқат.  
Бу ҳолни ёзмоқ маҳол!  
Кампирни пайқар дарҳол.  
Қутқазинг учун шошар,  
Панжарадан энгашар.

Қўрққан кампирни шу чоқ  
Олар ёзиб кенг қучоқ.  
Саватин ушлаб кампир:  
«Қирим ҳам қолмасин»,— дер  
Қутқазди ҳам кампирни,  
Ҳам савату, ҳам кирни...

Яхмалак силлиқ, қаранг,  
Тортган рўмолдек таранг!  
Минбардан эл қўзғалди,  
Конькичилар старт олди.  
Пойга қизир майдонда.  
Ишиқбозлар ҳар ёнда  
Бир-бирига: «Қара!»— дер,—  
Энг олдинда новча эр!  
Кўксида «8» номер!  
Шу пайтда бир вазмин чол  
Уғлига берар савол:  
«Анави новча одам,  
«Спартак»данми, болам?»  
Оңа ҳам аралашиб:  
— «Динамо»дан,— дер шошиб.  
Бизинг «Спартак», афсус,  
Қувиб етолмас ҳануз?»  
Мусобақа шу билан  
Тамом, деб бўлди эълон.  
Халқ Стёпага тикилиб:  
«Балли»— дер ҳурмат қилиб.  
Пойтахт милицияси  
У билан фахр ётар.  
Стёпамиз биринчи  
Мукофот олиб кетар.  
Аксига худди шу он  
Стёпа шошар пост томон,  
Қим уни олиб кетар,  
Постига тезда элтар?

Еш ҳаваскор бир шофёр,  
Стёпага шундай дер:  
«Янги «Москвич» қўлимда,  
Сизни элтиш бўлимга  
Менга бахт, афсус, аммо  
Сифишингиз муаммо!»  
Шу пайт бошқа шофёр,  
«Мен элтай, амаки!— дер,—  
Кўп тоннали самосвал,  
Кузовга чиқинг, иш ҳал!»  
Степан Степанов

Постовойларнинг марди.  
Саёқлар кўрса таниб,  
Зинғиллашиб қочарди.  
Қарар экан бошлиққа  
Ийманиб туриб Витка:  
«Кечиринг,— дер бидирлаб,—  
Савол бор»  
«Хўш, нима гап?»  
Флотдан қайтгач, нега  
Бориб милицияга  
Кирдингиз ё бошқа жой —  
Йўқмиди?»— дер эркатой.  
Қош чимириб, қисиб кўз  
Стёпа бошлайди сўз:  
«Савол берибсиз атай,  
Жавобин тингланг, айтай!

Сизга мен айтсам, бир сир:  
Милиция иш жойим.  
Бу касб ҳам зарур, ахир,  
Хизмат қилгим бор доним!  
Ким наған тақар ишда?  
Ким постда ёзу қишда?  
Ким тинч сақлар ҳар ёни?

— Уми, совет посбони!  
Милиция деганда,  
Жони қолмасдан танда,  
Нопок диллар зирқирар,  
Кўрса четга тирқирар.

Афсус, шундай ҳоллар бор,  
Шўхлик қилса болалар,  
Баъзи ота-оналар  
Чақириб: «Милиция!»  
Қўрқитишар: «Ол!» дея.  
Бу ишлари кўп чакки!  
Бизни билишмас балки!  
Эшитиб қолган чоғим  
Енар юзу қулоғим!»

#### АРМИЯ ГАЗЕТАСИ РЕДАКЦИЯСИГА ХАТ

Ун етти йил бурун, чамаси,  
Эслолмайман аниқ муддатин,  
Газетангиз саҳифасида  
Босилганди менинг суратим.

Утган кунлар архиви ҳамон  
Сизда бор деб тахмин қиламан.  
Зарур бўлиб қолди ўш сон  
Худди ўша сурати билан.

Уғлим, дейман, кўриб қўйса бас  
Гўзал ва ёш жангчи бўлганим,  
Англаб олсин, худодан эмас —  
Хунук юзли бўлиб қолганим.

Ельня учун бўлди қаттиқ жанг,  
Танк шикаст еб қолди қуршовда.

Шунда туйқус ҳолим бўлди танг —  
Юз-кўзларим ёнди оловда.

Керак эмас пенсия учун  
Менинг ўша эски суратим.  
Тўққиз яшар ўғилчам бу кун  
Расмим кўриб, уруш нелигин  
Билиб қўйсин, дея сўратдим.

### АЭРОФЛОТ БИЛМАЙДИ

Каттакон бир аэродромда  
Кичик чумчуқ яшарди,  
Агар мотор гувулласа  
Унга томон шошарди.  
Жадвал билан кутволарди  
Ҳар кун ҳар хил учоқни.  
Ҳар пилотни танир эди,  
Писанд қилмай узоқни.  
Эрталабдан кенг сайҳонда  
Самолётга қўшилиб  
Учсам дерди олисларга  
Мен ҳам яйраб, эшилиб.  
Хаёлига бир гап келди  
Ахир бир кун бир маҳал...  
ТУ—104 кемасига  
Кириб олди таваккал.  
Сафар йўли оддий эди:  
Қоҳира эди манзил.  
Саксон икки йўловчига  
Бир қуш қўшилди енгил.  
Билети йўқ, рухсати йўқ  
Учди олис ерларга.  
Назар-писанд қилмади у  
Ҳатто министрларга.  
Учиш деган мундоқ бўлар!—

Маза қилди чумчуғ-эй!  
Москва-Париж, Москва-Бомбай,  
Москва-Кобул, Москва-Варшава,  
Уни боқмас стюардесса,  
Унинг юки-пуки йўқ.  
Экипаж ҳам сезмас уни,  
Енгилгина бир чумчуқ...

### ЛАЙЧАМ

Бугун лайчам гум бўлди —  
Излаб бўларим бўлди.  
Икки соат чақирдим,  
Икки соат пойладим.  
Овқат емай,  
Дарс қилмай,  
Фақат уни ўйладим.

Лайчам эрталаб тонгда  
Ётган эди диванда,  
Тўсатдан тушди сакраб,  
Фингшиб қўйди акиллаб.  
Чопди ҳакалак отиб  
Ҳаммамизни уйғотиб.

Кўрпамни юлқиб олди —  
Устим очилиб қолди.

Қазноққа чолиб кирди,  
Бол хурмани ағдарди.

Йиртди дадамнинг шеърин —  
Зина қоғозга тўлди.  
Елимга тиқиб қўлин,  
Зўрға узди...  
Гум бўлди.

Балки уни ўғирлаб  
Етаклаб кетишгандир,  
Янги ном бериб,  
Зўрлаб  
Пойлоқчи этишгандир.

Балки қалин ўрмонда  
Утиргандир тиконда.  
Уйимизни тополмай  
Е адашиб қолдими,  
Емғирда ивиб шўрлик  
Оёқлари толдими?

Нима қилсам бўларкин,  
Бовар қилмайди ақл.  
Ойим деди:— Сабр қил.

Икки-уч соат куйиб  
Адойи тамом бўлдим.  
На қўлга китоб олдим,  
На бирон расм солдим,  
Утирдим қовоқ уйиб.

Бирдан  
Дўмбирадай бир ҳайвон  
Эшикни тирнаб, чечан  
Сакради остонадан...  
Қарасам,  
Менинг лайчам!

Тағин нима бўпти денг:  
Танимай қолдим уни:  
Шишиб кетибди бурни,  
Қўринмайди кўзлари,  
Лунж осилган юзлари.  
Думига ёпишипти

Чақир тикон сингари  
Гувиллаган болари.

Ойим дер:— Эшикни ёп,  
Ҳей, боласи тушмагур,  
Бизга қараб келяпти  
Боларининг галаси!

Мана, ўринда ётар  
Лайчам чиқармай дамин,  
Зўрға-зўрға ўйнатар  
Бинтлаб боғланган думин.

Менга керакмас ҳаким.  
Лайчасини ўз-ўзи,  
Билиб даволар ҳар ким.

#### Қ А Т Л

Бари тамом бўлди.  
Томоқда  
Сиртмоқ.  
Жаллодлар тўпланган олиш учун жон.  
Бир зум қотиб қолди  
ваҳшийлар бироқ,  
Қўққисдан узилиб кетганда арқон.

Дор остида партизан шахдам  
Бир сўз айтиш учун олдинга жилар:  
— Узингиздай чирик арқонингиз ҳам!  
Жирканамаман сиздан,  
Эй босқинчилар!

# МАСАЛЛАР



## ШЕР ВА ЁРЛИҚ

Уйғонди-ю, тўлғанди Шер ғирт телбасимон,  
Ваҳимали ўкириқдан титради борлиқ,  
Қаранг, уни мазах қилиб қайси бир ҳайвон —  
Билдирмасдан тақиб кетмиш думига ёрлиқ.  
Унда «Эшак» деб ёзилган, рақам ва сана,  
Дум-думалоқ муҳр билан имзо бор яна...  
Ўз-ўзини еб қўйгудек Шер бўлар хуноб,  
Нима қилсин? Шартга юлиб отсинми шу тоб?  
Ахир, муҳр босилган-да ўша ёрлиққа,  
Тортиб-нетиб қолишса-чи жавобгарликка...  
Қонуний йўл билан ундан бўлиш-чун халос  
Жониворлар йиғинига Шер келди тажанг:  
«Мен Шерми ё Шермасманми, айтинг фақат рост!»  
«Аслида сиз Шерсиз, аммо ҳужжатга қаранг,—  
Чиябўри деди шахдам,— унда Эшаксиз!  
Ҳа, ҳужжатдан кўзни юмиб бўлмайди шаксиз...»  
«Нега ахир Эшак бўлай, хашак емасам,  
Кенгуру, мен Шерман ахир, холис айтгин сан!»  
«Нимангиздир Шерга ўхшаб кетади, лекин,—  
Дер Кенгуру,— нималигин айтишим қийин...»  
Жон аччиғи билан яна ўкиради Шер:  
«Эшак, ахир гапирсанг-чи, турмай панада,  
Қўрганмисан мени сира оғилхонада?»  
Уйга чўмиб, қулоқ қоқиб Эшак шундай дер:  
«Ҳали Эшакмассиз, аммо энди Шер ҳаммас...»  
Узин Эшак эмаслигин айтиб неча бор  
Шер Бўрию Шоғолларга ёлворди — бекор,  
Жониворлар ачингандай бўлар ҳолига,

Аммо ҳеч ким шартга келиб унинг ёнига —  
Ерлигини обташлагша журъат ётолмас.  
Мунғайганча озиб-тўзиб, чўкиб кундан-кун —  
Шер шўрликнинг шерлигидан қолмади учқун.  
Бирор ҳайвон туртиб ўтса келмасди гаши,  
Шу зайлда кунлар ўтди. Бир кун наҳорда  
Қудратли Шер истиқомат қилувчи ёрдан —  
Эшитилиб қолди ногоҳ эшак ҳанграши!

Бу қиссанинг ҳиссасини ўйласак бир оз:  
Ҳатто Шердан кучлироқдир баъзи бир қоғоз...

### ИЧМАЙДИГАН ЧУМЧУҚ

Қушларнинг зиёфати  
Авжига чиққан пайти —  
Қарасаки, Қизилиштон — косагул —  
Чумчуқ ароқ эмас — сув ичар нуқул!  
Меҳмонлар кўтарди шовқину сурон,  
Чумчуққа «жаримга» қўйилди шу он:  
«Ичмайман, оғзимга олмовдим сира» —  
Чумчуқ туриб олди оёғин тираб.  
«Қанақа улфатсан? — бўғилди Бойқуш, —  
Мен касал бўлсам ҳам ичяпман-ку, хўш?»  
«Ўрмонимиз учун, осмонимиз-чун, —  
Қани оқ қилиб бер, кўрсат бир кучинг!»  
Ҳар ёқдан бошланди қийин-қистовлар,  
Бечора Чумчуқвой қандай бош товлар?  
Нонлож қадаҳдан бир хўплам олди.  
«Хунаринг ўтмайди! Тагида қолди!  
Тотган ҳам, ботган ҳам бир, ахир, укам,  
Тўлдириб қўйилсин, ҳа, бу унга кам!»  
Нимага ҳам етсин Чумчуқнинг кучи?  
Ҳамма тарқалди-ю, у қолди «учиб».  
Утиб кетди бундан неча йил, замон,  
Аммо Чумчуқвойга кун йўқдир ҳамон.

Бўлгундек бўлса у қаерда пайдо  
Бошланиб кетади миш-мишу ивго:  
«Шундай ичармишки...» «Расвони қаранг...»  
«Уйини ҳам топиб борармиш аранг...»  
«Хотинини ташлаб кетганмиш беор...»  
Чумчуқ «ичмайман» деб чириллар бекор...

Қоқилиши мумкин одам ҳаётда,  
Улгудек пушаймон — ўзи-билади.  
Уйлаб, ўз йўлини топар, албатта.  
Доим тўғрилиққа амал қилади.  
Аммо баъзилар бор — ковлаб эскини  
Унга таъна тошин отмоққа тайёр:  
Қачондир, қаерда, қишми ё баҳор —  
Кўришганмиш учиб ётганда уни...

### ПОЛКАН БИЛАН ШАВҚА

Икки ит — лақаби Полкан ва Шавка —  
Бир куни чиқишиб ўрмонга — овга  
Қуёни қувалаб кетаётиб бирдан —  
Чиқиб қолди гала қашқир олдидан.  
Шавка қўрққанидан титради дир-дир:  
«Полканжон... Сезяпман, энди ўламит...»  
Қочишга илож йўқ... Нима қиламиз...»  
«Уришамиз! — деди Полкан шарт, دادил, —  
Анув давангирни қўйиб бер менга,  
Енидаги турқи совуғи сенга».  
Бир сакраб душманга ўқдай отилиб  
Ботир ит бўғизга ёпишди маҳкам.  
Бўрини ағдарди айтганин қилиб,  
Аммо тилка-пора бўлди ўзи ҳам.  
Шавка нима қилсин? Келди навбати,  
Қарангки, у бирдан гингший бошлади,  
Ғуж-ғужанак бўлиб сахти-сумбати  
Бўрилар пойига ўзин ташлади:  
«Айланиб кетайлар! Раҳм қилинглар!

Яқин қариндошман сизларга ахир!  
Кулоғу думимга назар солинглар,  
Юнгим ҳам ўзгамас сизлардан, тақир.  
Орзумга етдим, сизларни топдим,  
Юринглар — кўрсатай — дарё бўйида  
Семиз моллар ўтлар, бўлиб бир пода...»  
Бўрилар эргашиб лўкиллаб чопди,  
Ўрмондан ўтишиб, дарё ёқалаб,  
Подани кўришиб, чўққайиб тўхтаб,  
Бўричалаб нима бало дейишди,  
Шавкани биринчи бўлиб ейишди.  
Аммо кўп ўтмасдан қирилди бари,  
Таъзирини берди чўпон итлари,  
Чўпонлар милтиқни солишди ишга,  
Бўрилар қолишди мангу ер тишлаб...

Қиссадан ҳиссанинг йўқдир кераги  
Полканга ачийди киши юраги.  
Шавкага — асло!  
Қилмиши-чун олди муносиб жазо!

### ТУЛКИ ВА ҚУНДУЗ

Тулки кўриб қолди бир кун Қундузни,  
Кумушдек мўйнаси оларди кўзни,  
Бунинг устига у — қўли гул уста,  
Қурган уйларига ҳамма ҳавасда.  
Хулласи калом —  
Тулкойни «мафтун» этди у тамом.  
Ухламай, тўлғаниб чиқар тунлари,  
Наҳотки етмаса макри, ҳунари!  
«Бошқа тулкилардан бир жойим камми,  
Қундузни кўйимда ўйнатмасамми?!» —  
Дедию Тулкойи бошлар ўз ишин,

Қундузни кўрганда қоқади қошин,  
Ҳиринг-ҳиринг кулиб, кўзин сузади,  
Думин ликиллатиб, кўнглин бузади.  
Кексайган Қундузнинг боши айланиб,  
Тулкига илашиб қолди бойланиб.  
Уни деб югурди, гулдаста терди,  
Қундуз бекасининг жавобин берди.  
У «қариб қолган»миш, «бефаросат»миш  
Энди Қундузвойга тўғри келмасмиш...  
Кекса Типратикан —  
Пастдаги сувлоққа тушиб келаркан —  
Эски қадрдони Қундузни кўрди,  
Омонлашди, яна аҳволин сўрди:  
«Э, салом, Қундузвой, баҳай?»  
Тулкихон билан турмушинг қалай?»  
«Э, дўстим; ҳолимни сўрама асло,—  
Дер Қундуз,— турмушмас, худди бир балол!  
Кутигани нуқул ўрдагу товуқ,  
Дайдиб — санқимаган бирор кун ийўқ!  
Туну кун билгани — пардозу ялло,  
Бирам шаллақиқи, бирам беҳаё!  
Унинг найрангларин айтай қай бирин,  
Ўзимни ўлдирай десам — жон шириң,  
Хулласи, ўртоқ,  
Тоқат бўлди тоқ!  
Менинг аҳволимга бир тушуниб боқ,  
Қандай бўлар экан уйимга қайтсам,  
Хотиним кечирар узримни айтсам...»  
«Тезроқ уйингга чоп,— дер Типратикан,—  
Аҳволинг бўлмасин беш баттар ёмон...  
Қундуз гириллади ўз уйи томон:  
«Мен келдим, эшикни очгин, Қундузхон!»  
«Очмайман,— дер бека,— ялинма бекор,  
Тулкининг иннида бўлгин қўшмозор!»  
Ноилож Тулкихон томон чопди тез,  
Қараса — ўтирар бошқа бир Қундуз!

Масалнинг мағзини аста чақиб боқ:  
Оқ соч Қундузларга бўлгуси сабоқ!

### МУШУКЛАР ВА СИЧҚОНЛАР

Бароқ мушук эди оқкўнгил чандон,  
Дўсти Оламушук туғилган куни  
Муборақбод қилиб келай деб уни  
Тишида келтирди семиз бир сичқон.  
Бароқнинг келтирган совғасин кўриб  
Мезбон миёвлади бурнин жийириб:  
«Раҳмат, ошна! Бекор бўбсан овора!  
Шуни билиб қўйки, дўстим, аввало —  
Утиб кетган сичқон еб юрган пайтим,  
Хафа бўлма, сени яқин деб айтдим...»  
Бу сўзлардан ҳанг-манг бўлди-ку меҳмон:  
Мушук зоти наҳот емаса сичқон?  
Қайта сўрамоқчи эди, шу фурсат —  
Овқат тортилди-ю, узилди суҳбат.  
Дастурхонга тўлди турли хил таом,  
Сарёғу қаймоқдан пишлоққача бор,  
Думба-жигар билан қовурдоқ тайёр.  
Қази, колбасанинг жамики тури,  
(Топиб бўбсиз уни уч кун югуриб).  
Хулласи калом —  
Таомларнинг кети узилмас эди,  
Бароқвой қорнига сиққанча еди.  
Ола дер: «Шунақа яшаймиз, жўрам,  
Кун ўтиб турибди сичқонларсиз ҳам...»

Айтмоқчи —  
Оламушук базада эди пойлоқчи,  
Ору номусини йўқотиб буткул  
Пойлаган нарсасин таширди нуқул...

### ФЕДОТ, БОТҚОҚЛИК ВА ЧЎПОН

Федот орттирганди уч-тўртта улфат,  
Улфатлар солишди — бошига кулфат:  
Уни лақиллатиб, судраб ҳар ёққа  
Обориб қўйишди бир кун ботқоққа.  
Улфатлари бир-бир бота бошлади,  
Федот бўлса сакраб у дўнгдан бунга —  
Охир боши қолиб кўп оғир кунга,  
Кўзин ёшлади.  
Аммо «оҳ-воҳ» энди бермасди фойда,  
Ботқоқлик қаърига тортар тобора,  
Чўкиб борар эди бижғиган лойга —  
Дунёга тўймаган Федот бечора.  
Шу атрофда пода боққан бир Чўпон,  
Излаб юрган эди йўқолган қўйин —  
Қарасаки — аҳвол жуда ҳам ёмон:  
Ботқоқда кўринар бош билан бўйин —  
Филни ҳам ютгудек мудҳиш балчиқда  
Бир одам типирлар жон аччиғида.  
— Бўш келма, Федот: — деб қичқириб Чўпон,  
Узун таёғини узатди шу он.  
Федот ушлаб олди таёқ учини,  
Йиғди-ю, охирги идрок, кучини —  
Қуруқликка чиқиб олди чалажон,  
Ғарқ бўлиб кетиши эди бегумон!

Ботқоққа судраса баъзи бир улфат,  
Лақиллаб тушма-ю, каллангни ишла!

### ИККИ ДУГОНА

«Азиз дугонагинам,  
Уйларинг мунча шинам, —  
Деди ҳасад билан чийиллаб Сичқон,  
Каламушникида бўлганда меҳмон, —

Қаёққа қарамай кўзим қамашар,  
 Жиҳозлар уйингга бирам ярашар.  
 Қара-я, ҳаммаси чет элники-я!»  
 «Оҳ, жонгинам ҳамсоя,—  
 Дер каламуш тортиб оғир «ух»,—  
 Менинг дидим сенга маълум-ку!  
 Унча-мунча нарсани суймайман сира,  
 Чет элники бўлса жонларим кирар.  
 Манови турк диванининг латтаси,  
 Манов эрон гиламининг парчаси,  
 Манов енгил парқу-чи, кеча келган  
 Африкадан. Уни юбормиш Пўлкан».  
 «Булар-ку, жуда соз, айтгин-чи фақат —  
 Томоғингдан ўтмас биз еган овқат?»  
 «Нега, ўртоқжон,  
 Ҳамма каби ейман сарёғу оқ нон...»

Ўзимизникини ерларга уриб  
 Четнинг лаш-лушини мақтовчилар бор.  
 Ҳамма нарсамизни ёмонлаб туриб,  
 Нонимиз ейишдан қилишмайди ор.

## ИВАН ИВАНИЧ ОҒРИБ ҚОПТИЛАР

Иван Иванич оғриб қоптилар...  
 Бирор ботмас нарса егандан эмас,  
 Совуқ елвизак ҳам уриб кетганмас,  
 Аммо у стулдан зўрғатдан турар,  
 Қўришганда қўлин узатар аранг,  
 Кўпларни умуман танимас, гаранг.  
 Бир нима сўрашса мингиллар аста,  
 Еки жазаваси тутар бирпасда:  
 «Мен бандман! Мен — йўқман! Халақит  
 берманг!»

Хотинни ҳайдабди ҳолин қилиб танг.  
 Яқин дўстлар берар турли маслаҳат:

Биттаси дер: «Спорт даводир фақат».  
 Иккинчиси дер: «Курортга бор, тез!»  
 Яна бири дейди: «Сақлагин парҳез...»  
 Беморга ҳеч бири наф бермас мутлақ,  
 Чунки касаллиги оғирдир ғоят.  
 Иложи бўлмагач, мана, ниҳоят —  
 Уни даволашга киришди-ку халқ!  
 Кунлардан бир куни,

уни —

Шарт озод этдилар барча ташвишдан:  
 Буйруқ бериш, мажлис — хархаша ишдан.  
 Гуну кун дарвоза остида турган  
 «Тўхта» деса тўхтаб, «юр» деса юрган —  
 Машинаю шофёр каби «лаш-луш»дан.  
 Қарабсизки, ишлар — тамоман акси,  
 Иван Иваничнинг қолмабди нуқси:  
 Ганимай қолганин — дарров танийди,  
 Қабул қилмаганин — меҳмонга, дейди.  
 Эдамдай сўзлашар одамлар билан,  
 Эиласида ҳам обрўйи баланд.

Ўзини тоғ билган баъзи бир акам  
 Унутиб қўймасин камтарликни ҳам.  
 Бу масал ёзилди уларга, атай,  
 Гўғрими, лаббай?!

## МАНСАБДОР ЭШАҚ

Кўрсатилиб катта ишонч бир замон  
 Тайинланди баланд мансабга Эшак.  
 Эҳтимол бообрў бирорта ҳайвон  
 Бу ишга тавсия этгандир бешак.  
 Эшак хизматида терлар зўр бериб,  
 Обрў қозонмоғу келмоқ учун мос.  
 Нелардир ўргатмоқ бўлади ҳадеб,  
 Қанчалик бермасин ўзига у зеб —  
 Лекин эски ҳаммом, ҳамон эски тос:

Иш қилиш ўрнига қоқади қулоқ,  
 Эшак — эшак ахир, разм солиб боқ!  
 Бутун ўрмон бўйлаб таралди миш-миш:  
 «Шалпанқулоқовнинг ишлари чатоқ,  
 Эсиз бу лавозим, эсиз бундай иш...»  
 Ишдан олиндию Эшаквой бироқ,  
 Қўйилди қариган Филнинг ўрнига.  
 Яна миш-миш: «Иши тағин пачава»,  
 Сира ёлчитмади бирор иш қилиб...  
 Баъзилар кулади, баъзилар хафа:  
 «Тайинлашмас-да, бизга, ишқилиб...»

Агарда айб қилса оддий бир эшак  
 Унга бериш мумкин яхшилаб адаб.  
 Номенклатурада бўлса-чи? Демак —  
 Унга рўпара қил донмо мансаб!

### СЕМИЗ ВА ОРИҚ

«Хўш, қани оғайни, чўзилайчи мен,  
 Орқамни бир бошлаб ишқаб қўйчи сен», —  
 Деб қолди бир Семиз Ориқ одамга, —  
 Шох билан шиббалаб, буғ бер баданга,  
 Кошкийди шундан сўнг озсайдим бир оз...  
 Сувинг куйдиранти, сал совут, ҳа, соз...»  
 Семизни ишқалар, Ориқ эринмай.  
 «Қани, қимирла-чи, жонинг борми, ҳай, —  
 Ётганча Семизнинг тинмасди жағи, —  
 Эринмай, бир бошдан ишқа-чи тағин».  
 «Мана тайёр, ошна,  
 Қани тур, ўрнингдан, энди сен бошла!»  
 «Маъзур тут, биродар, менга бўлмайди,  
 Бу иш... амалимга тўғри келмайди.  
 Энди, ишқалайвер ўзингни ўзинг...»

Қийиниш пайтида тушсаки кўзи —  
 Ориқдан мансаби паст экан Семиз.  
 Кошки ер ёрилса — ерга кирса тез...

### ФИЛ — РАССОМ

Кўп меҳнат қилди-ю, хулласи калом  
 Рассом Фил асарин битирди тамом.  
 Лекин кўргазмага қўймасдан бурун  
 Дўстларни чақирди фикр олиш-чун.  
 Улар диққатидан рассом кўп мамнун,  
 Ҳозир қандай танқид эшитаркин у?  
 Бўлмасмикин қаттиқ, бешафқат ҳукм?  
 Пучга чиқармикин? Мақташармикин?  
 «Заршунос»лар келди. Расм очилди.  
 Яқину узоқдан ҳамма тикилди.  
 «Манзара ёмонмас, — бошлади Тимсоҳ, —  
 Лекин унда Нил йўқ, шуниси чатоқ».  
 «Нил йўқлиги айбмас, — деди Тюлень, —  
 Лекин қору музни кўрмаяпман мен!  
 «Мумкийми?» — сўз олди Кўрсичқон ҳайрон, —  
 Полиз эсдан чиққан, шуниси ёмон!»  
 «Мамнунман, — дер Чўчқа, — гўзал асардан,  
 Лекин чўчқаларча нуқтаи назардан —  
 Унда чўчқаёнғоқ бўлиши лозим».  
 Барча таклифларни Фил қилди ҳазм.  
 Мақсади — дўстларнинг кўнглини топмоқ.  
 Яна ишга тушди, танлади бўёқ,  
 Тасвирлади ҳам қор, ҳам муз, ҳам Нилни,  
 Дуб ёнғоғу полиз, ҳатто асални,  
 (Ҳар эҳтимол билан — мабодо Айиқ  
 Кўргани келганда топсин-чун лойиқ).  
 Филнинг расми бўлди тайёр,  
 Дўстларини чорлади такрор.  
 Меҳмонлар суратга ташлашиб назар,  
 Пичирлашар: «Вой-вуй, чалкаш нақадар...»

Дўстим! Сен бунақа Фил каби бўлма,  
Маслаҳат тингла-ю, ақлингдан қолма!  
Жуда кўп бачкана «нуқтаи назар»  
Фақат келтиради ўзингга зарар!

### ЧУПОН ВА БУРГА

Аччиқ ёш тўкади тоғда бир Чўпон  
Узининг қўриқчи содиқ ити-чун.  
Ити бўриллар-ла олишиб чунон  
Ҳалок бўлди жангда, бажариб бурчин,  
«Қўй сурувин сақлаб қолай деб омой  
Сен азиз жонингни айладинг қурбон!»  
Дея шивирларкан ачиниб Чўпон,  
Бир Бурга эшитиб унга дер шу он:  
«Менга фидокорлик тамом бегона,  
Душманни чақсам-да, яшайман яна!»  
«Мардлигу жасорат сенинг ишингмас!  
Бутун умринг бўйи биров танида  
Яшаганинг учун тириксан, холос!»—  
Дея жавоб берди Чўпон ҳам шунда.

Ҳаёт нималигин билмасдан ҳали,  
Ватан, халққа сира келтирмасдан наф,  
Баъзи ёшлар худди Бурга сингари  
Мардларнинг ишин дер: «Арзимаган гап!»

### ШЕР ВА ПАШША

Нима ҳам бўлдию бир куни Пашша  
Шерик бўлди Шернинг дастурхонига.  
Учраган таомдан уриб қорнига  
Сўнг шоша-пиша  
Қолмоқчи эдики жуфтакни ростлаб  
Негадир суस्ताб —  
Хиралик қилдию, тушликка қолди.

Шернинг қулоғига қўниб дам олди.  
Кўп ўтмай ўрмонга тарқалди «миш-миш»:  
Шер-чи, Пашша билан апоқ-чапоқмиш,  
Зерикиб қолармиш бир кун кўрмаса,  
Ов қилолмас эмиш олиб юрмаса,  
Шернинг қулоғида бўлгандан кейин  
Пашша айтганини қилдирар тайин...  
Шундай экан ундан қўрқмай кўринг-чи!..  
Узини Шер билар Пашша, қўйинг-чи!..  
Бемалол иш тутар унинг номидан.  
(Шер бўлса, албатта, беҳабар бундан).

Кошкийди Шерлар ҳам бўлишиб огоҳ  
Пашшаларин тергаб туришса гоҳ-гоҳ...

### БУЛБУЛ БИЛАН ҚАРҒА

Сўлим эманзорда катта тантана,  
Утарди Булбулнинг юбилей — тўйи.  
Чорак асрдирки янграр ҳар ёна  
Унинг ҳамма севган дилрабо куйи.  
Қушлар ҳар тарафдан келишган, гавжум,  
Табрик, нутқларнинг узилмас кети.  
Ҳаттоки Бургутдан қутлов хат кепти,  
Қўшиқ, куй янграйди тинмасдан бир зум.  
Юбилей соҳиби ўзида йўқ шод:  
Меҳнати бекорга кетмапти, ҳайҳот...  
Зиёфатда майлар оқар айқириб,  
Паррандалар яйрар, бўлиб кўнгли чоғ.  
Фақат бир чеккада Қарға қайғуриб  
Узича қағиллар: «Қаранглар, э воҳ —  
Эликдан ҳам ошиб кетдим шекилли,  
Овозим зўрлигин ҳамма биледи.  
Доим мақтаб юрар мени Бойўғли,  
Хўш, Булбул нимага юбилей қилади?!»

Масал шундай экан — ночор нетасан,  
Қушларни ёзаман дейсану баъзан  
Билмасдан  
Нуқул танишларга тегиб кетасан...

### ПАШША БИЛАН БОЛАРИ

Кир ўрадан учиб қўнди-ю гулга  
Шарбат йиғувчи Боларини кўриб  
Лабини буриб,  
Гўнғиллади хира Пашшавой унга:  
«Мен билан бирга уч, бўлайлик улфат,  
Қилайин мен сени роса зиёфат.  
Хув анов уйда —  
Дастурхонда тайёр турли хил таом,  
Қанд — асал дейсанми, шарбату қиём  
Мазза-да, жуда!  
Нимаики бўлса — ҳаммаси текин  
Ураверамиз-да, бир бошдан секин...»  
«Йўқ, — деди Болари, — топганим ҳалол,  
Сарқитинг ўзингга сийлов, бемалол!»  
«Ундай бўлса, бору ишла ўлгунча  
Керилганин қаранглар мунча», —  
Шанғиллаб жавради кетидан Пашша,  
Сўнг шоша-пиша  
Текин еб ўрганган уйига учди,  
Кўп ўтмай ёпишқоқ қоғозга тушди.

Алалқиёс баъзи эркатойлар бор,  
Умрни ўтказар саланглаб бёкор.  
Кутгани доимо айшу таралла,  
Тўқликка шўхлигу, говлаган калла.  
Меҳнат — машаққатдан бегона буткул,  
Пашшадек оёқдан илинар бир кун!

### ХОМСЕМИЗ ТАРВУЗ

Полизда — четроқда,  
Офтобшувоқда  
Бўлиқ ер кучини обдан симириб  
Бир тарвуз ўсарди хўппа семириб.  
Унча-мунча қучоқ унга етмасди.  
Қовунларга сира тинчлик бермасди.  
«Тарвузмисан — тарвуз, дейди-да, кўрган,  
Ҳатто зўр полвон ҳам кўтарар зўрга.  
Таъмин ҳам зап ширин чиқса кераг-ов».  
Тарвузвой чираниб гердайди айна,  
Харидор қўлига то етмагунча.  
Чақмоқлаб таъмини кўришди дарров:  
Бўлгани билан у семиз, бир қучоқ,  
Аммо пўсти қалин, ичи-чи — оппоқ,  
Шўр сувнинг таъмини берар мазаси,  
Молларга тўғралди хулласи...

Қиссамнинг ҳиссаси ойнадай равшан  
Баъзи бировлар бор — гапга хўп чечан,  
Савлати кетворган, гирдиғум қорин,  
Етқизиб ичини кўрсангиз ёриб  
Ҳалиги тарвуздай чиқади бўм-бўш,  
Бундайлардан фойда бўлармиди, хўш?

### ҚАРТАЙГАН ШЕР

Шер юбилей ўтказарди. Мана ўзлари  
Энгагига қўлин тираб ўтирар тўрда.  
Амалидан кетди ночор мункайиб, қариб  
Бир оёғи ерда бўлса, биттаси гўрда.  
Шерлигини олиб кетди ўткинчи йиллар,  
У ларзакор ўкирик йўқ, қолмаган тиши.  
Кўнғил қурғур фақат энди тинчлиқни тилар,  
Енидаги Филми, бошқа — йўқ сира иши.

Бирин-бирин табриклашар жонворлар уни,  
Қўзичоқлар унга атаб маърашар шитоб,  
Қўшоёқлаб қайта-қайта сиқар қўлини,  
«Яшасин Шер! Юзга кирсин!»— янгради хитоб.  
Шер эшитиб ўз-ўзича ер эди этин:  
Афсус, барча даври даврон ўтдию кетди...

Мен Шерларнинг юбилейин кўп кўрдим жуда,  
Эшитганим кўп нутқлар — пучу беҳуда...

### ҚУЁН БИЛАН ТОШБАҚА

Бир кунни қуённи иситма тутиб  
Бир бута остида йиқилиб қолди.  
Титраб-қақшаб, гоҳо ҳушидан кетиб  
Дард қурсин, кўп ёмон жунбушга олди.  
Алаҳлаб кимдандир сўрарди ёрдам,  
Утиб қолса борми Тошбақа шу дам,  
«Жон дўстим, сув келтир,— ёлворди Қуён,—  
Туришга мажол йўқ, аҳволим ёмон.  
Бир қадамча жойда ҳовуз бор, ана...»  
Ташбақа сув учун бўлди равона.  
Бир соатча ўтди, яна бир соат,  
Қош қорайса ҳамки кўринмас ҳамон.  
Тошбақани кутар касал бетоқат,  
Ундан — дом-дарак йўқ. Тутоқди Қуён:  
«Вой, мохов коса-ей, қўтир жомашов,  
Келиб-келиб сенга ишим тушса-я!  
Қайси гўрга гумдон бўлдийкин, меров,  
Бир қултум сув ўлсин — шунча кутсам-а...»  
Майса шитирлади: «Нега сўкасан?»  
«Келдингми, ҳайрият...»  
«Энди кетяпман...»

Тошбақасимонлар, сизни тутдим назарда,  
«Тез ёрдам» аслида кўп зарур, бироқ

Тошбақа қўлида бўлса агарда  
Ишимиз чатоқ!

### ҲАСАДГУЙ БЕМОР

«Даволаниш учун кебсан-да, ошнам?»  
«Оғайни, ҳолимни сўрамаёқ қўй,  
Шундай хор бўлдимки, бу ерда, вой-вуй,  
Ҳали докторларни бир бопламасам..  
Баъзи касалларга хоҳ қуюқ, суюқ  
Дорилар беришар, ниҳояси йўқ.  
Яна бошқаларга шифоли балчик,  
Ванна, душхоналар эшиги очик.  
Озиқ-овқатлари парҳезли бутун,  
Боз устига укол беришар ҳар кун!  
Менга келганда-чи умумий стол,  
Чекмаслик, ҳаракат, вақтида уйқу,  
Бошқа ҳеч вақо йўқ, ўзинг ўйлаб кўр —  
Ахир бу бемаъни тартибсизлик-ку!»

Баъзилар — бошқага тиқилса игна  
Кўриб ҳасадидан бўлар жизғанақ.

### СОН ВА СИФАТ

«Мени табриклашинг мумкин, оғайни!»  
«И-е, хўш?»— «Мукофот беришди!»— «Нечув?»  
«Плани бажариб устига тағин —  
Юз минг тароқ ишлаб чиқарганим-чун,  
Сотишга сиз томон юбордик кеча,  
Сен бўлсанг иш билан чарчабсан пича:  
Қара, сочларинг ҳам қолмабди бошда.»  
«Сочим тўкилиши сабаби бошқа,  
Сенинг тароғингда таровдим бугун,  
Бошдаги сочимдан ажралдим бутун...»

## ЖАЗИРАМА КҮНДА

«Бунақа иссиқда юргандан кўра  
Кўлмагингда ётсанг бўлмасми, жўра?»—  
Ез кунн сўради. Эчки — Чўчқадан.  
«Ётардимү аммо, афсус — жойим банд.  
У ерда битта маст ётибди, беор —  
Пиво дўконида чикиб ҳар бозор —  
Индамасдан келиб ётиб олади».

Бадмаст ўзини шу кўйга солади!

## «ДОНО» ЭШАК

Фил, Қуён ва Эшак — қаранг, бир замон  
Қарор қилишибди кўприк қуришга.  
Аммо бу гап фақат айтмоққа осон,  
Учови бош қашиб ҳайрон бу ишга.  
«Кўприкни мустаҳкам қурмоқлик керак,—  
Деди Фил,— лозимдир тош-бетон тирак!»  
«Йўқ!— деди бидирлаб Қуён,— бекор гап,  
Кўприк енгил бўлсин, турсин лиқиллаб...»  
«Дўстлар, қулоқ беринг,— сўз олди Эшак,—  
Аввал бир нарсани аниқлаш керак:  
Кўприкни қурамыз қанақасига —  
Кўндалангигами ё узунасига?...»

Сўрашингиз мумкин: ким ҳақда масал?  
Бир илмий кенгашга тегиб ўтдик сал...

## ҲАСАДГУИ ҚАБРИСТОНДА

Мармар ҳайкаллари темир гулчинлар  
Кўм-кўк майсалар-ла ҳамсоя азал —  
Қабристонда маънос бир одам кезар,  
Лаблари жаҳл-ла шундай пичирлар:

«Бу ер қандай саз!»

Ҳамма ёқ саришта, тартибли, шинам,  
Эшитилмас ҳатто «тиқ» этган овоз,  
Сағаналар усти — мисоли гилам!  
Бирәм қимматбаҳо қабр тошлари  
Бир-биридан ўтар, ҳашамли бари.  
Қаёққа қарама кўзинг қамашар,  
Қара-я, одамлар қандай яшашар!»

Ким ҳасад дардига бўлса мубтало  
Ҳасад қилади у ўликка ҳатто!

## ШУҲРАТПАРАСТ

«Ассалом, оғайни!» «Сенмисан, салом!»  
«Қайга шошиляпсан!»— «Хулласи калом —  
Оғайни, мен сенга айтсам — иш катта,  
Босилиб чикибмиз манов газетда...»  
«И-е, шунақами? Хурсандман жуда,  
Қаёққа чопяпсан?» — «Кўришсин уйда...»  
«Нима ёзган эдинг? Ҳикоями, шеър?  
Талант бор эвак да... Қани ўқиб бер!»  
«Йўғ-э... бир тана им вафот этганди,  
Мана, таъзияга имзо чеккандим...»

## ДОВРУҒЛИ ТИКУВЧИ

Бўларди бир машҳур уста тикувчи,  
Қўғирчоқдай ўйнар қўлидаги иш.  
Атай унга кийим тиктирмоқ учун  
Мижозлар йўлини пойлар ёзу қиш.  
Усталиги ростдан эди авжида,  
Тиккан кийимидан яшнарди қомат,  
Хоҳ шиму хоҳ костюм — бопларди жуда,  
Кундан-кун ортарди доврӯғ, даромад.  
Шу зайл ўтарди мавсумлар, йиллар.

Ишдан чарчамасди чеварнинг қўли.  
Бирдан пайқаб қолди атрофдагилар —  
Айниб борар бир оз устанинг феъли.  
Маза-матра қолмай унинг ишида,  
Қийимлари тору, қўполдир қати.  
Осилиб ётарди астар ичида  
Бунақа қоп кийим кимга ёқарди?  
Маълум бўлишича, устахонада  
Энди уста эмас, шогирди тикар.  
Йўл-йўриқ кўрсатган бўлиб ёнида  
Устамиз «битди» деб имзосин чекар.  
Қўли тегмас эмиш бичиш-тикишга,  
Юраркан саланглаб, баъзан маст-аласг.  
Бекорликдан ружу қилиб ичишга  
Уста деган номи қолибди, холос.  
Қўп ўтмай буюртма беришмай қолди.  
Ундан юз ўгирди бор мижозлари —  
Йўлни бошқа уста тарафга солди...  
Хазон каби сўлди гулдек ҳунари.

Ёмонга ёғ ёқмас деганлари — рост,  
Баъзиларни мақтов айнитар, холос!

### БИРОВНИНГ ҒАМИ

Қоқ саҳар шовқиндан уйғониб туриб  
Степан билдики, уйқу аралаш —  
Қўшни оғилига оч бўри кириб —  
Молини қияпти роса хомталаш.  
«Уйда йўқсан дебман, Петрович сени,—  
Дея гина қилди эрталаб қўшни,—  
Милтигингни олиб чиқсайдинг, жўра,  
Бузоғим бўридан қоларди омон».  
«Шундай чарчабманки, қотиб қолибман,—  
Дер эснаб Степан,— билмабман сира...»

Ким қўшни ғамига бўлса кўру кар,  
Бир кун ўзининг ҳам бошига тушар

### ҚАСИДАНИНГ ТУҒИЛИШИ

Ҳисобчи — шоирни сўрабди бошлиқ,  
Уринбосар қилди у билан суҳбат:  
«Шеър ёзиб турасиз, ўқиймиз, дуруст,  
Деворий газета иши — бизда суст.  
Шунга масал ёзиш — сизга топшириқ:  
Бобо Криловдан намуна олинг,  
Одамларни жонвор тусига солинг,  
Фаррош — Сигир бўлсин, Ёрдамчи — Бўрсик».  
Қолгани яхшиси — сизга ҳавола...»  
Шоир хижолатдан юзлари лола —  
Уйга қайтди, билар, аҳволи мушкул,  
Қўпчилик ҳажвни ёқтирмаб буткул,  
Аммо бошлиқ сўзин қайтариб бўлмас,  
Масални ёзишга киришди хуллас.  
Асли идорада — айтиш керак рост —  
Гап кўп эди жуда масал учун мос:  
Бошлиқ ўтакетган такаббур, тўра,  
Уринбосар унга пой-патак, жўра,  
Хўжалик мудир — еб тўймас, учар,  
Эшак тимсолига қай бири тушар?  
Бирин Чўчқа қилса, пайқаб қолади,  
Пойлаб юриб бир кун ўчин олади.  
Қора терга тушиб ишларди шоир,  
Ҳайвонот оламин хаёлан бир-бир  
Беозорин излаб оралаб чиқди,  
Бир даста қоғозни қоралаб чиқди.  
Масал ҳеч чиқмади бўлиб аросат,  
Боши берк кўчага киргандек роса,  
Бир маҳал қараса — тонг палласида  
Битибди бошлиққа мақтов, қасида...

Масалчига бордир битга йўл-йўриқ:  
Чумчуқдан қўрқса гар — экмасин тариқ!

### ШОИР ВА ҲАРФ ТЕРУВЧИ

Кўпдан бери сира чиқмай овози  
Жимжит бўлиб кетган «шоирни замон»  
Топди-ю бозори чаққон бир мавзу —  
Юмалатди икки кечада дoston.  
«Индамай юрганим етади»,— деди.  
Асарини дарҳол нашрга берди.  
Учинчи кечаси шоир кўрди туш:  
Бир одам олдига келганмиш нохуш,  
«Нима керак сенга?»— сўрабди шоир,  
«Сен кераксан,— дебди одам ҳам оғир.—  
Асаринг ўқидим. Уқмадим маъно,  
Ундаги одамлар бари рўдапо.  
Узлари соя-ю, қилган иши — пуч,  
Бундай одамларга қайда келдинг дуч?  
Ҳаётни билгину, кейин асар ёз,  
Ёзганинг ўқувчи ўқиб десин «соз!»  
Шоир хафа бўлди:— «Қандай қилиб сен —  
Билмаган нарсангга баҳо берасан?  
Шеърларим ёқмаса — нега ўқийсан?»  
«Ўқишга мажбурман: ҳарфин тераман...»

Қошкийди «шоирни замон»лар гоҳ-гоҳ —  
Ҳарф терувчиларга солишса қулоқ...

### ЭЧКИ, АЙИҚ ВА ҚАР ЭШАК

Қар Эшак Эчкидан Айиққа бир кун  
Бир арава озиқ-овқат келтирди.  
Олиб келиб инга ағдарди бутун,  
Айиқвой бунчани қачон ҳам ерди?..  
«Қаердан бунчалик илтифот, ажаб?—

Айиқ ўйлаб қолди — ўзи нима гап?  
Бундан чиқдики,  
Мени жуда ҳурмат қиларкан Эчки...»  
Икки кундан кейин Эчкини кўриб  
Айиқ айтди, унга ташаккурини,  
«Нимага?»— деб сўрар Эчки кўп ҳайрон,  
«Нимага бўларди, Эшак оборман —  
Бир арава совға-саломинг учун...»  
Эчки елка қисар: «Тушунолмадим...»  
Аммо уйда олди Эшакдан ўчин —  
Гаранг эшитмаган койиш қолмади!  
Қаранг — эгасига етмабди совға,  
Эчки юборганди уни бировга.  
Қимга-ю, нимага бу қийин жумбоқ,  
Ўқувчи, бунисин ўзинг ечиб боқ!

### ЖАЗОСИЗ ЖИНОЯТ

Қоронғида жон ҳовучлаб қочаркан Қуён  
Ўзин билмай уриб олди Типратиканга.  
«Ҳа, Ғилайим, тинчликми,— деб сўради ҳайрон,—  
Не бўлди сенга?  
Худди терак япроғидай мунча титрайсан?  
Айт-чи, кимдан қочяпсан, чопиб, ҳансираб?»  
«Э, сўрама,— деди Қуён баттарроқ титраб,—  
Бир ўлимдан қолдим, жўра, мўъжиза билан!»  
«Нима бўлди ўзи, ахир, гапир тузукроқ!»  
«Биз... қуёнлар... тўпланувдик дала четига  
Шунда бирдан ўқ овози гумбурлади-да,  
Қарасам бундоқ —  
Рўпарамдан машиналар келяпти босиб,  
Ярқираган чирогдан кўзлар қамашиб  
Шерикларим ўққа учиб бари берди жон,  
Бир мең қолдим»,— бошин эгиб уҳ торгди Қуён.  
«Ие, наҳот бузилса-я қонун шунчалар!  
Айтганларинг рост бўлсами — нақадар даҳшат!—

Типратикан жаҳли чиқиб тоза ҳурпаяр,  
Эсингдами ўтган йили айни баҳор пайт —  
Семён бобо бир ўрдакни бемаврид отиб  
Берухсат ов қилгани-чун бўлган айбдор.  
Хабар топиб жазоловди уни прокурор,  
Ҳукм билан икки ойча чиққанди ётиб.  
Аммо сенинг кўрганларинг — қабиҳ жиноят!  
Куёларни бундай қириш — йиртқиқлик демая!  
«Уят! Қўп уят!  
Муттаҳамлар жазосин бермоқлик керак!»  
Наридан-чи, келар ўқлар «гумбур-гумбури»:  
Ов қиларди шу районнинг прокурори...

Ҳамма учун баб-баравар қонундир Қонун,  
Баъзиларчи амалию, унвон қилар пеш.  
Гўё қонун улар учун ёзилмаганмиш,  
Нима қилса қилаверар эмишки улар,  
Жавобини берсин эмиш фақат бошқалар.

### БАҚИРОҚ ХҲҲҲ

Одат қилиб олди Хўроз уйқусизликдан  
Тонг саҳарда туриб олиб ҳаммадан олдин,  
Узоқ-яқин ҳовлиларда хўрозлар билан  
Бошлар эди қичқирувнинг мусобақасин.  
Қуни билан юк ташиган, жуда ҳорган От  
Отхонада уйғонарди уйқуси чала.  
Сакраб тушар туш кўраётган Ит ҳам шу заҳот,  
Эчки, Сигир — молхона ҳам турар бир йўла.  
«Туринглар, эй дангасалар! Туринг, ялқовлар!»—  
Айюҳаннос солар Хўроз,— ухламоқ етар!  
Билмайсизми, ахир жуда зарар-ку уйқу,  
Мана мендан ўрнак олинг, ку-ку-ку-ку!»  
Хириллаган томоғига бериб оройиш  
Ҳовлидаги жонворларни уйқудан қўйиб  
Бу билан ўз «хизмати»ни этиб намойиш,

Кейин хилват бир жой топиб ухларди тўйиб.  
(Товуқларга у бедаво боролмас яқин,  
Бўлса фақат қайнатмага яраши мумкин).

Баъзилар бор — шу Хўроздек минбарда ботир,  
Шовқин солиш, буйруқ бериш «илми»га моҳир.  
Халқ мақоли — гар гап десанг топилар қоп-қоп,  
Иш деганда уни соя-салқин жойдан топ.

### АРАВАКАШ, ОТ ВА ТҲҲҲ

Аравакаш бир куни аравасида  
Йўлини ўрмоннинг ичидан солди.  
Тўнғак учрадию йўл ўртасида —  
Гилдираги таққа тикилиб қолди.  
От тўхтаб мўлтирар эгаси томон:  
Демоқчи бўларди жонвор безабон:  
«Ҳой, эгам, яхшиси орқага тисар,  
Бўлмаса, кегайинг чўрт синиб кетар...»  
Дарҳақиқат карвон отин тисариб  
Тўнғакдан бурса-ку олам гулистон.  
У бўлса — «чу-чу»лаб қистарди ҳадеб,  
Боз устига отни савалар чунон..  
От шўрлик кучаниб, оёғин тираб  
Олдинга интилди бор кучи билан.  
Арава-ку синиб кетди тирқираб,  
Аммо қўзғалмади тўнғак жойидан.  
Дехқон хуноб бўлиб бошини қашлар,  
Лаънат ўқир йўлу, аравага ҳам.  
От бўлса ўпкалаб унга кўз ташлар:  
«Аслида сен ўзинг нодонсан, эгам,  
Бошқаларни айблаш энди на ҳожат?  
Ужарлик наҳрига шўнғиб бир йўла  
Тўнғак-ла қасдма-қасд бўлгандан кўра —  
Ишлатсанг қанийди жиндак фаросат...»

## ДАДИЛ ТАКЛИФ

«дустлар, кўрилмоқчи масала шулки —  
Жуда жонга тегди очофат Тулки! —  
Дея сўз бошлади йиғинда Курка, —  
Бизни еб тамомлар индамай турсак!  
Қандай фикрлар бор? Хўш? Ким сўзлайди?  
Қандай таъзирини есин у дайди?»  
Кимдир пастдан таклиф киритди шу чоқ:  
«Тулки келишидан бўлиш-чун огоҳ —  
Бўйнига қўнғироқ осиб қўйилсин!  
Эшитганлар дарров қуён бўлишсин», —  
Дея қақиллади Товуқ силкиб бош.  
«Тўғрисини айтсам: бу фикр кўп соз,  
Мен ҳам қўшиламан, — бўйнини чўзар Ғоз, —  
Аммо ким бажарар бу таклифни, хўш?...»  
«У ёғими... бизнинг ишимиз эмас», —  
Дея залдан чиқди, ху, ҳалиги сас...

Қиссанинг ҳиссасин айтай шу фурсат:  
Илм беамалми — бир пулга қиммат!

## ТУЛПОР ВА ҚИРЧАНҒИ

Икки отлик бир кун дуч келди йўлда,  
Бирини — Тулпор минган, бирини — Қирчанғи.  
Чақмоқдай тулпор от еларди чўлда,  
Қирчанғининг ҳатто чиқмасди чанги.  
Қирчанғи минганини таниб суворий:  
«Эй, дўстим, — дер унга тизгинни тортиб, —  
Қарагин, жудаям хароб-ку отинг,  
Янгилаб олсанг-чи, минсанг-чи Тулпор!»  
«Маслаҳатинг учун раҳмат, оғайни,  
Аммо мен ҳозирча тура тураман,  
Қари қирчанғимда юра тураман.  
Тулпор деб ўзимни ўтга урайми?»

Асов от обқочиб отса зовурга,  
Қолмас дейман бирор бутун қовурға?»

Худди шунга ўхшаш баъзи бир раҳбар  
Янги техникадан ўлгудек қўрқар.

## ҲАЖВ-УРУҒИ

Бир танқидчи — хийла баландроқ ҳоври,  
Иттифоқо ерга уруғ қадади.  
Бир соат ҳам ўтмай, чидамай сабри,  
Униб чиқдимиди, деб бориб қаради.  
Афсуски, унабди! Танқидчи шу дам  
Упкасин босолмай, ҳовлиқиб, шошиб  
Уруғни олдию эккан еридан  
Тўнтариб ўтқазди бир эгат ошиб.  
Қарангки, бир соат ўтар-ўтмасдан  
Бетоқат уруғни кавлади яна.  
«Во ажабо, қаранг, уруғ унмасдан  
Қиляптими дейман ё мени майна?  
Уруғ ҳам шунчалик бўларми қайсар?»  
Узича ғудраниб нелардир вайсар:  
«Жудаям кулгили деса бўлади...»  
Нимаси кулгилик... ғалати...

Топсин десанг агар ҳажвиёт камол,  
Ҳажвчини туртма бекордан-бекор!

## АЙЕР СИЧҚОН

Уйқусирабми-ей, бир кунни ногоҳ  
Пиво бочкасига қулади Сичқон.  
Қараса — чўкяпти, кўтарди оҳ-воҳ:  
Ахир ширин — жон:  
«Вой-дод! Қутқаринглар, яхшилар! Ким бор?  
Жигули пивода бўляпман ҳалок!

Бемаъни ўлимга қелибман дучор,  
 Мушукнинг қўлида ўлсам яхшироқ!»  
 Кўриб турган эди Мушук ҳам шу чоқ,  
 «Шунақами?— дея аста илжайди  
 Сизни қутқаришим мумкин-ку, аммо,—  
 Овқат бўласиз-да бизга шу асно?»:  
 «Қутқар, қутқар мени! Розиман, майли!  
 Чўкяпман, қолмади сира дармоним,  
 Бундан чиқиб ўлсам — йўқдир армоним!»  
 Ва ниҳоят тортиб олинди Сичқон,  
 Энди ем бўлиши эмасди гумон.  
 Ўзини кўрдию ўткир тирноқда  
 Сичқон бечоранинг жони рамақда,  
 Дир-дир титрар эди бутун вужуди,  
 Боз устига бурқиб пивонинг ҳиди...  
 Сичқон бир талпиниб жон-жаҳди билан  
 Ура қочиб қолди мушук қўлидан.  
 «Эртами ёки кеч — емиш бўласиз —  
 Деди панжасини яларкан Мушук,—  
 Шундай экан нега алдамоқчисиз?  
 Ахир иккаламиз келишгандик-ку?!
 Дегандингиз: «Майли есангиз мани...»  
 Қани ваъдангизу, лафзингиз қани?»  
 «Уэр,— деди Сичқон кавакдан жилмай,—  
 Ваъда берворибмиз мастликда, билмай...»

### ҲАККА БИЛАН БУРГУТ

Борди-келди қилар Бургут-ла Ҳакка.  
 (Аслида-ку бу иш жуда ғалати,  
 Аммо Бургут ахир — ўзи билади  
 Кимни эп кўришга ошночиликка...  
 Ҳакка бўлса ҳамки унга бегона  
 Бир вақт хотини-ла экан дугона).  
 Бургут осмонда юргани сабаб

Ердаги ҳаётдан турарди узоқ.  
 Уйда хотинининг кўнглига қараб  
 Ҳакка билан суҳбат қиларди гоҳ-гоҳ.  
 Тинмай қақилларди тинчимас Ҳакка,  
 «У парранда — ундоғ, буниси — бундоғ...»  
 Енбошлаб, қанотин тутиб энгакка  
 Бургут эринмасдан соларди қулоқ.  
 «Эшитдим, қанақа сайраркан Булбул,  
 Қаранг-а, нуқул —  
 Ҳовузда бақалар вақиллаганда  
 Уялмай жўр бўлар экан, шарманда...»  
 «Хўш, Чуғурчуқ қалай?»  
 «Ўми, вой ўлай,  
 Бутун ўрмон ундан бўлибди безор,  
 Инин янгилайди ҳар йили баҳор...»  
 «Тўрғай тўғрисида фикринг қанақа?»  
 «Дунёда сурбет қуш йўқдир унақа...»  
 Оғзига келганин Ҳакка сайрарди,  
 Бургутни қушларга ҳадеб қайрарди...  
 Узин Бургут билиб баъзилар жуда —  
 Шундай гийбатчини сақлар қўйнида.

### АСАБИЙ ТҮНҒИЗ

Товус — жониворлар табиби эди,  
 Кунлардан бир куни урғочи Чўқча  
 (Мисоли бочка)  
 Ҳузурига эрин етаклаб келди.  
 Товус кутиб олди: «Хўш, дўстлар, хизмат?»  
 «Қасал бўлиб қолди менинг тўнғизим.  
 Уззу кун бўкириб депсинар фақат,  
 Чақиб олай дейди ҳар битта сўзи.  
 Гапини қайтарсанг қилар тўполон,  
 Индамай ўтирсанг — тагин сен ёмон...»  
 «Асабларим чатоқ»,— тўнғиллар Тўнғиз.  
 Товус ўйга чўмди: «Қани айтинг-чи —

Ушқирадими у Шерга мабодо?»  
«Асло,—  
Дер Чўчқахон,— Шер билан доим  
Гаплашади эрим мулойим».  
«Бўри, Йўлбарсга-чи? Этарми журъат?»  
«Йўқ, эрим уларни қилади ҳурмат».  
«Бўлди, холажон,—  
Дер Товус,— эрингиз касали аён:  
Бўри, Йўлбарс, Шерга келса рўбарў  
Тилин тияр эқаң, модомики у —  
Англаркан — кучлига бўйсунуш жоиз,  
Демак, Тўнғизингиз соғдир юз фоиз!»

Шундай бир бошлиқни мен ҳам билардим:  
Доим ходимларга сочиб захрини,  
«Ҳайдайман! Йўқол!» деб тўкиб қаҳрини  
Дилин хуфтон қилиш — шу эди дарди.  
Бир кун юқорига чақириб уни  
Пастлатиб қўйишди сал попугини.  
Бурчакда шумшайиб дерди қалтираб:  
«Кечиринг, асаб...»

### ҲАДИКЧИЛАР

Бўйнига чиқди-ю катта бир чипқон  
Айиқполвон ётиб қолди ногаҳон.  
Жонини қўйишга жой топмас сира,  
Лўқиллатиб азоб берарди яра.  
Буюрди, келсин, деб Қизилиштонни —  
Ёриб ташласин деб шишган чипқонни.  
Қизилиштон келиб кўрди шу фурсат,  
Аммо ёришга у қилмади журъат.  
Айиқнинг кўнглини кўтарди шахдам:  
«Тузалиб қолади ўзи шундай ҳам,  
Агарда кечгача у бермаса ниш,  
Лозимдир ёриш.

Табиблар йиғинини чақирмоқ керак,  
Бойўғли тумшуғи анча ўткирроқ...»  
Бойўғли, Хўрозга жўнатди чопар,  
Дарддан қийналарди. Айиқ бечора.  
Эрталаб йиғилиб жами табиблар  
Айиқнинг дардига излашар чора.  
Кўплашиб қилишди шундайин қарор:  
«Ҳозирча чипқонга тегмаслик керак,  
Кечгача пишмаса у ҳолда, демак —  
Турнани ёрдамга лозим чақирмоқ,  
Кўзи ўткир, тумшуғи ҳам узунроқ».  
Бу орада Айиқ думалаб ногоҳ  
Бехос босиб олди Асаларини.  
Гинғиллаб, билмасдан не қиларини —  
Юнг оралаб нишин суқди мард ари!  
Қаранг, Айиқвойнинг кириб жонларни,  
Чипқони ёрилиб, битди азоби.  
Болари қутқарди уни ҳисоби!  
Табиблар ҳам эркин олишди нафас,  
Асалари омон қолган-чун эмас —  
Дадил иш тутдию шу кичик ари,  
Маъсулиятдан қутулди бари.

Ҳадикчилар, Сиз-чун ёзилди масал,  
Бировга ишониб юрманг ҳар маҳал!

### БЕЧОРА ЗЯБЛИҚОВ

«Яшаш йўлин билай десанг доимо —  
Бошлиқларинг ҳурматини эт бажо,  
Қўрганингда таъзим қилиб буқилгин,  
У ўтирса — ўтир, турганда — тургин.  
Ҳар йўл билан кўнглини топ, қули бўл,  
Ана шунда сенинг учун очиқ йўл».  
Зябликов шунга амал қиларди,  
Мансабда ҳам аста-секин жиларди.

Не бўлдики, бир куни у тўсатдан  
 Катта бошлиқ ҳузурига кираркан —  
 Узин билган одатини қилмасдан,  
 Таъзим билан ергача букилмасдан  
 Имо билан бошини сал ирғатди  
 Ва имзо-чун қоғозини узатди.  
 Ҳайкал каби тураверди у тикка,  
 Эгилмади чиқаркан ҳам эшикка.  
 Кабинетда ўтирганлар лол, ҳайрон,  
 Ахир бундай қилмасди-ку ҳеч қачон?  
 Пулакларда миш-миш чиқди авжига:  
 «Қиз бердими косманавт-учувчига?  
 Ё бўлдим министрнинг қудаси?  
 Ахир, бунча керилгани нимаси?..»  
 Зябликов бу гаплардан беҳабар,  
 Бир бурчакда йиғламоқдан беш баттар —  
 Бўлиб энди келажагин ўйларди,  
 Уз-ўзича сўйларди:  
 Барбод бўлди орзулари, амали,  
 Бунга сабаб: қуриб кеткур, радикулит  
 касали.

#### ЕТИШИБ БУЛМАС ОРЗУ

Ривоят қилурлар: худомиш, бир кун  
 Қай бир бандасидан бўбди-ю мамнун —  
 Марҳамати билан этмоқ-чун хуррам  
 Унинг қулогига дептики: — «Ошнам,  
 Ҳар қандай тилагинг бўлғуси бажо,  
 Сенга қандай бойлик этайин ато?  
 Еки берайинми фан доктори ном  
 Ва шунга яраша теп-текин диплом?  
 Тила тилагингни, қилгум муҳайё».  
 Банда ўйлаб туриб дебди: «Эй, худо,  
 Керак эмас менга ном ҳам, амал ҳам,  
 Уйимда бор менинг енгил машинам,  
 Қор-ёмғир остида туради яккаш,

Эй худо, ато қил менга бир гараж!  
 Маҳаллий ҳукумат чиқариб қарор  
 Рухсат берсин, қўйай уни бемалол...»  
 «Афсус,  
 Бу ишда ожизман», — дер худо маъюс...

#### КАТТА УСТИХОН

Очкўз Қарға шохдан пастга қараса —  
 Бароқ кучук мукка тушганча роса —  
 Мазза қилиб ғажир эди устихон,  
 Нафси қўзиб Қарғавойга кирди жон:  
 Устихонга эга бўлиш қасдида  
 Узин отди шартга Кучук устига.  
 Кутмаганда Кучук бундай ҳужумни,  
 Капалаги учиб, қисганча думин —  
 Бир панага қочди жонин сақларга.  
 Бопладимми, дея очофат Қарға —  
 Чангал урди, қилди охир олғирлик.  
 Аммо суяк қилди унга оғирлик.  
 Қанчалик зўр бериб кучанса ҳам у —  
 Улжасини ердан узолмади-ку!  
 Боз устига Кучук ўзига келиб,  
 Олди унинг ярим қанотин юлиб.  
 Сурбет Қарға қолди зўрға соғ-омон.

Халқ мақоли айтмас бекор, бегумон:  
 Иш қилсанг ярашар —  
 Ҳолинга яраша...

#### ҚАРҒА БИЛАН ҒОЗ

Бир куни Қарға  
 Паррандахонага учиб кирди-да  
 Қўниб деворга  
 Қағиллашга тушди ўзин дәрдида:

«Қағ, қағ, қағ, яқиндир катта фалокат,  
 Ғозлардан тўкилиб кетар болу пат,  
 Хўрозлар кару кўр бўлиб қолади,  
 Товуқлар жўжаси ўлиб қолади.  
 Йўқ бўлиб кетади парранда зоти,  
 Қирилиб битади тамом зурёди...»  
 Бир доно Ғоз деди Қарғага қараб:  
 «Нимаям қилардинг ўзингни қийнаб,  
 Бир-иккита аҳмоқ лаққа тушар деб  
 Беҳуда гапларга мунча бердинг зеб?  
 Гўё билмайсанки — бу мамлакатда  
 Сену сендайлардан ҳамма нафратда».  
 «Қағиллайвераман, нима ишинг бор?»  
 «Жуда қағиллагинг келсами, Қарға,  
 Яхшиси кета қол океан ортига,  
 Шум хабаринг учун оласан доллар...»

Океан ортидан эфирда ҳар кун  
 Ҳу, ўша шум Қарға солади шовқин...

### ҚУТУРГАН ҚУППАК

Кунлардан бир куни — авжи саратон  
 Занжирдаги Қўппак қутурди ёмон!  
 Оғзидан заҳарли сўлагин сочиб  
 Занжирини узиб, девордан ошиб —  
 Дуч келган томонга елди, югурди,  
 Ўзин ўтлаб юрган подага урди.  
 Дабдурустдан қилиб бўридек ҳужум,  
 Бузоқни чавоқлаб ташлади шу зум.  
 Хириллаб қон босиб икки кўзини,  
 Шу он бўғизлади мурғак қўзини.  
 Хомталаш қилдию неча танани,

Ёмон тишлаб олди чўпон болани.  
 Хулласи калом —  
 Остин-устун қилди дунёни тамом!  
 Ушланмаса агар қароқчи малъун  
 Соларди кўпчилик бошга қора кун.  
 Аммо қўлга тушди бу кори мудҳиш  
 Ва унинг устидан кўзгатилди иш.  
 Ҳафталару ойлар ўтарди мудом  
 Мана ярим йилки суд ётар давом,  
 Гувоҳлар бирма-бир қилинар сўроқ,  
 Папкалар семирар — қоғоз минг вароқ.  
 Илгари юарди жони рамақда  
 Қароқчи роҳатда энди қамоқда.  
 Текин овқат билан семириб тани.  
 Ег босиб ялтираб бутун бадани,  
 Овқату уйқудан бошқа дарди йўқ,  
 Ҳар кун ҳол сўрайди қариндош-уруғ.  
 Унинг хизматига ҳозирдир ҳамма,  
 Янгиланиб турар бўйнида тасма.  
 Узоқ қариндошин қилиб риюя  
 Икки Чиябўри қилар ҳимоя.  
 Қўппакнинг айбини хаспўшлаш учун  
 Ҳуриб хириллашар судда уззукун.  
 «Нимани кутяпти, ахир, ҳакамлар?»  
 «Қутурган ит қачон жазосин олар?»  
 Чиқарди атрофдан шу хилда садо.  
 Шундай суд ҳам учраб туради гоҳо.

### ФИЛ БИЛАН ЙУЛБАРС

Қонхўр Йўлбарс ўзин енгилмас билиб  
 Филга ҳужум қилди ногоҳ бир куни.  
 Фил ҳам ўз-ўзини ҳимоя қилиб  
 Эзиб ўтиб кетди анжирдек уни.  
 Қиссамнинг ҳиссаси аниқ ва осон  
 Тинч борувчи Филга тегма ҳеч қачон!

## МУНДАРИЖА

Мухтор Худойқулов. Серқирра иждокр	3
Шеърлар	
В. И. Ленин музейида. Зулфия таржимаси	12
Уч ўртоқ. Қуддус Муҳаммадий таржимаси	17
Аркадий Гайдар. Қуддус Муҳаммадий таржимаси	17
Светлана. Раззоқ Абдурашид таржимаси	18
Соат. Қуддус Муҳаммадий таржимаси	19
Битта қофия. Раззоқ Абдурашид таржимаси	20
Расм чиздим. Пўлат Мўмин таржимаси	22
Сизда-чи? Миразиз Аъзам таржимаси	22
Трезор. Раззоқ Абдурашид таржимаси	24
Қўчқорлар. Қуддус Муҳаммадий таржимаси	25
Қаҳрамон. Қуддус Муҳаммадий таржимаси	26
Эмлаш ҳангомаси. Қуддус Муҳаммадий таржимаси	27
Ажойиб дори. Пўлат Мўмин таржимаси	27
Чуғурчуқ. Сафар Барноев таржимаси	29
Универмаг. Пўлат Мўмин таржимаси	29
Тинчлик. Рауф Толипов таржимаси	30
Уттиз олти-ю, ярим. Миразиз Аъзам таржимаси	31
Бедорлик. Сафар Барноев таржимаси	32
Стёпа амаки. Шукур Саъдулла таржимаси	33
Стёпа амаки — милиционер. Қудрат Ҳикмат таржимаси	39
* Армия редакцияси газетасига хат. Миразиз Аъзам таржимаси	45
*Азрофлот билмайди. Миразиз Аъзам таржимаси	46
*Лайчам. Миразиз Аъзам таржимаси	47
*Қатл. Миразиз Аъзам таржимаси	49

### Масаллар

#### Мухтор Худойқулов таржималари

Шер ва ёрлиқ	51
Ичмайдиган чумчуқ	52
Полкан билан Шавка	53

Тулки ва Қундуз	54
Мушуклар ва сичқонлар	56
Федот, ботқоқлик ва чўпон	57
Икки дугона	57
Иван Иванович оғриб қоптилар	58
Мансабдор Эшак	59
Семиз ва ориқ	60
Фил — рассом	61
Чўпон ва Бурга	62
Шер ва Пашша	62
Булбул билан Қарға	63
Пашша билан Болари	64
Хомсемиз тарвуз	65
Қартайган Шер	65
Қуён билан Тошбақа	66
Ҳасадгўй бемор	67
* Сон ва сифат	67
* Жазирама кунда	68
* «Доно» Эшак	68
* Ҳасадгўй қабристонда	68
* Шуҳратпараст	69
* Довруғли тикувчи	69
* Бировнинг гами	70
* Қасиданинг туғилиши	71
* Шоир ва ҳарф терувчи	72
* Эчки, Айиқ ва Кар Эшак	72
* Жазосиз жиноят	73
* Бақироқ Хўроз	74
* Аравакаш, От ва Тўнғак	75
* Дадил таклиф	76
* Тулпор ва Қирчанғи	76
* Ҳажв уруғи	77
* Айёр Сичқон	77
* Дарё ва ботқоқ	78
* Ҳакка билан Бургут	78
* Асабий Тўнғиз	79

